

«КИМОРХОНА БИЗНЕСИ»

Жиноий гуруҳ 2007 йилнинг январидан 2008 йилнинг июнь ойигача фаолият юритиб келган ноқонуний киморхона ортидан ҳар кун 4-5 миллион сўмдан даромад кўрган.

3-бет

БУЮК СИЁСИЙ КАШФИЁТ

...жаҳондаги давлатларнинг деярли барчасида мамлакат фуқаролари у ёки бу даражада сайлов ҳуқуқидан фойдаланмоқдалар. Уларнинг овози ўз мамлакатлари ҳаётида хал қилувчи рол ўйнамоқда.

5-бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУҚ



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 17-dekabr, №51 (676)

Бош прокуратурада

ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

2009 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиоров раҳбарлигида Бош прокуратура ҳайъатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Хоразм, Сирдарё ва Навоий вилоятлари прокуратуралари томонидан қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини комплекс

текшириш якунилари муҳокама қилинди.

Йигилишда мазкур вилоятлар прокуратуралари томонидан муайян ишлар амалга оширилганлигини қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар танқид остига олинди.

Айниқса, жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда, жиноят ишларини тергов қилиш-

да ва шу каби айрим бошқа соҳаларда камчиликларга йўл қўйилганлиги қайд этилиб, мазкур вилоятлар прокурорларининг бу борадаги тушунтиришлари эшитилди.

Мажлис якунида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилинди ва ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

Мухтор ЗОИРОВ,
Бош прокуратура бошқарма
бошлиғи ўринбосари

Долзарб мавзу

БАЙРАМ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТСИН



Янги йил ёшу қари бирдек орқиқиб кутадиган, энг қувончли, шоду хуррамликларга бой бўлган байрамлардан ҳисобланади. Албатта, янги йилни бориқчи бурқанган оппоқ қорсиз, ялтир-юлтир ўйинчоқлар, ям-яшил арчалар-у, осмонда қолдуз каби чарақлаб атрафга байрам шуқуҳини бағишловчи мушабболиксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин кўзингизга ялтироқ бўлиб кўринган, вақтингизни чоғ қиладиган бир лаҳзалик ўйинчоқларнинг ҳаммаси ҳам сиз ўйлаганчалик ажойиб эмас. Афсуски, турли шаклда, ранг-баранг қоғозларга ўралган пиротехника маҳсулотларининг кўпчилиги сифатсиз. Шунинг учун ҳам юртимизга яширин йўллар билан олиб кирилади. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситаларини тартибга солиш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам ана шундай ғайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида барча ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан байрам кўнгилдагидек ўтиши учун барча эҳтиёт чоралари кўрилмоқда. Оқингизни айтганда, айрим кишиларнинг кучли овоз чиқарувчи пиротехника воситаларини сотиш билан шуғулланиш ҳолатлари учрамоқда. Мазкур ўйинчоқлар байрам тантаналарини завқли ўтказишга хизмат қилмайди, балки аксинча, кишиларнинг асабига тегади, соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Шу мақсадда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг тезкор ходимлари томонидан аниқ мақсадли савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Сифатсиз пиротехника воситаларининг республикамиз ҳудудида ноқонуний олиб келиниши, тарқатилиши ва муомаласига қирғиллиши, сотилиши, сақланиши юзасидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида 80 дан ортиқ қонуنبузилми ҳолатлари аниқланди. Ҳуқуқбузарлардан 45 млн. сўмга ақин бўлган пиротехника воситалари олиб қўйилди.

Хусусан, Яккасарой туманида ўтказилган тадбирда, фуқаро Х.Усмонов ва Ф.Расуловлар ноқонуний равишда жами 2,9 млн. сўмлик 1232 дона пиротехника воситаларини сотиш мақсадида олиб кетаётганларида ушланди.

(Давоми 8-бетда)

Хабар

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ БОШЛАНДИ

2009 йилнинг 9 декабр кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида "Раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш бўйича 6 ойлик курслар" тингловчиларининг ўқув машғулотлари бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги 2007 йил 7 ноябрдаги 727-сонли қарорига мувофиқ, юридика фани, прокурор-тергов амалиёти, меҳнат ва бошқаруви илмий ташкил этишининг энг янги ютуқларига ўргатиш мақсадида прокуратура органларининг раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва қонунийликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ҳуқуқий bilimларини ошириш Олий ўқув курсларининг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланган.

Мамлакатимизда прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилиши учун аввало кадрларни тайёрлаш, уларнинг касб-маҳорати ва малакасини ошириш зарур. Асосий эътибор ҳодимларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарлигини ошириш, ўз ишининг устаси бўлиб шакллантиришга қаратилиш лозим.

Шу сабабли, прокуратура органлари ҳодимларининг касб-кори, назарий bilimлари ва амалий кўникмалари, ишчанлик ва касбий фазилатларини такомиллаштириш прокуратура органларининг раҳбар кадрлари ва ҳодимларини касбий тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадаги бориб тақаллади.

Прокуратура органларида кадрларнинг малакасини ошириш моҳиятини, ижтимоий аҳамиятини ва ҳуқуқий табиатини аниқлаш-

тириш; бу борада тўпланган тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда прокуратура органларининг ҳодимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашдаги мавжуд муаммоларга тавсиф бериш; прокуратура органларининг кадрлар билан ишлаш тизимидаги долзарб муаммоларни аниқлаш, прокуратура органларида прокурор-тергов амалиёти, меҳнат ва бошқаруви илмий ташкил этишининг энг янги ютуқларини жорий қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид илмий асосланган тавсия ва ҳуқуқсозлик ишлаб чиқишга кўпроқ эътибор қаратиш зарур бўлади.

Юқорида қайд қилинган вазифаларни ҳал қилиш прокуратура органлари ҳодимларидан ўз bilim ва малакаларини доимий равишда ошириб боришни талаб этади.

Фурқат ШОДМАНОВ,
Олий ўқув курслари бошлиғи
ўринбосари, ю.ф.д., проф.

"Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат Дастури ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилояти бўйича Дастур ишлаб чиқилиб, шу асосда кишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, аграр сектор самарадорлигини ошириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонвий корхоналарни барпо этиш, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг кенг комплекс амалга оширилмоқда.

Баҳодир УМАРОВ,
Хоразм вилоят прокурори ўринбосари

АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ОШИМОҚДА

Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан белгиланган иш режаси асосида "Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат Дастури ижроси маҳаллий ҳокимликлар, молия, меҳнат, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, архитектура ва қурилиш бошқармалари, лойиҳалаш ташкилотлари ва бошқа муассасди идораларда ўрганилди.

Кишлоқ аҳоли пунктлари ва ҳудудларини ривожлантириш мақсадида архитектура режаси асосида қурилиш ишлари босқичма-босқич олиб борилмоқда. Вилоятдаги 98 та кишлоқ фуқаролар йиғилларининг ҳудудларини мезморий режалаштириш ва ташкил этиш лойиҳалари, улар таркибидagi 559 та кишлоқ аҳоли пунктларининг бош режа лойиҳаларини 2009-2015 йиллар давомида ишлаб чиқиш мақсадида инженерлик тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектлари билан таъминланганлиги кенг қўламда ўрганиб чиқилиб, тегишли тақлифларни бериш учун кишлоқ аҳоли пунктлари ялпи рўйхатдан ўтказилди.

Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси билан келишилган ҳолда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида "Кишлоқ қурилиш инвест" иختисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Хоразм филиалига тегишли туманлар ҳокимлари қарорларига мувофиқ тажриба тарикасида кишлоқ ҳўжалигига фойдаланилмайдиган ер майдонидан Хонқа тумани "Қирқ-ёп" кишлоғида 20 та, Богот тумани "Ҳўжалик" кишлоғида 20 та ва Хива тумани "Журён" кишлоғида 20 та, вилоят бўйича жами 60 та уй-жой қурилиши бошлаб юборилган.

(Давоми 4-бетда)

ОБУНА — 2010

Ҳурматли газетхон!

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бузун олдимизда турган устувор вазифалардан эканлиги маълум. Бу жараёнда барча ҳуқуқий нашрлар қатори "НУҚУҚ" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкламоқда.

Шу маънода, "НУҚУҚ" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишининг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақолалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, таҳририятимизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.

2010 йилда ҳам "НУҚУҚ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади.

ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

Нашр кўрсаткичи — 231

Қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришининг энг муҳим шарти ҳисобланади. Зеро, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад-моҳиятида ҳам одамлар онгида қонунларга ҳурмат туйғусини шакллантириш, уларга ғойишай амал қилиш жиноятчиликнинг олдини олибгина қолмай, балки унга қарши курашга ҳам ундайди.

Жазонинг муқарраллиги, қонун олдига барчанинг баробарлиги таъминли миллий қонунийликнинг асосидир. Бу борада прокуратура органлари олдига қўйилган вазифалар кўлами кенгаймоқда. Бинобарин, ўз вақтида жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши кескин курашиш аҳоли хавфсизлиги, оқсоғиллигини таъминлаш, фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилади. Жамият тараққиёти, юрт равнақи йўлидаги сулуғий тўсиқларни бартараф этади.

МАСЪУЛИЯТ — МУҲИМ МЕЗОН

Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан вилоят ҳудудида жиноятчиликка, айниқса, унинг оғир ва ўта оғир турларига қарши курашиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олишда зарур чора-тадбирларни белгилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш учун амалга оширилаётган муайян ишлар шу мақсадга йўналтирилган. Хусусан, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда унинг олдини олишга ҳақиқий таъсир ўтказадиган аниқ тадбирлар белгиланиб, содир этилган жиноятларнинг тиб сабаблари ўрганили, уларнинг келиб чиқишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш ишлари алоҳида аҳамият берилди.

Шунингдек, вилоят ҳудудида жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 9 декабрдаги "Жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада тақомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи талабларига мос равишда ҳамда мазкур буйруқ асосида шахр ва туман прокуратураларида ишлаб чиқилган "Жиноятчиликка қарши кураш борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ҳамкорликда даврий ва узоқ муддатга мўлжалланган чора-тадбирлар" Дастурлари асосида ташкил этилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш борадаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, маҳаллий ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик кучайтирилмоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг самарадорлигини ошириш, профилактик тадбирларни фаоллаштириш, тергов ишларини яхшилаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбарлари иштирокидаги мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишларида 7 та, шахр ва туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбарлари иштирокидаги мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишларида 54 та масала кўриб чиқилиб, тегишли чоралар белгиланган. Жойларда бундай тадбирлар мунтазам ўтказилиб борилиши таъминланмоқда.

Қўрилган чоралар натижасида 2009 йилнинг 9 ойида умумий жиноятларнинг сони 2008 йилнинг шу даврига нисбатан Когон шахар, Бухоро, Вобкент, Ёғдубон, Қорақўл, Ромитан, Олот ва Қоровулбозор туманларида камайган.

Жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турларига қарши кураш борадаги тадбирлар ўзининг самарасини бериб, қайд этилган даврда вилоятда оғир жиноятлар сони 44 тага, ўта оғир жиноятлар 4 тага камайишига эришилган.

Бир-бирини мантиқан тўлдириб турувчи наркотрафик ҳамда терроризм каби иллатлар маълумки, дунё ҳамжамияти олдидаги глобал муаммодир. Ушбу трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш борада ҳамда уюшган жиноятчиликнинг бошқа қўрқинчилари қарши курашда вилоят миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар идоралари, Давлат божхона бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар самараси сезиларли даражада. Масалан, ғиёвандлик моддаларининг ноқонуний муомаласи фош этилиши 77,78 фоизни ташкил этиб, 249 та жиноятлар аниқланди. Ўтказилган тадбирларда жино-

ятчилардан 66 килограмдан ортиқ ғиёвандлик воситалари олиб қўйилди.

Ҳисобот даврида диний экстремистик оқимлар тарихида содир этилган 1 та жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, 1 нафар шахсга нисбатан жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга юборилди.

Кези келганда шунини айтиш жоизки, терроризм диний экстремизм оқибатлари тўғрисида дунёнинг барча минтақаларида катта маънавий йўқотишлар, соғлом турмуш тарзи издан чиқадиган ҳолатлар сабаб инсоният ҳаёти жиддий хавф остида қолмоқда. Афсус-

даги тадбирлар ўтказилган бўлсада, жорий йилнинг 9 ойида вилоят бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий сони 3037 тани ташкил этиб, 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 39 тага кўпайиши кузатилади.

Вилоятда умумий жиноятчилик, шунингдек айрим ҳудудларда жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турлари, шу жумладан, вилоятда қасддан одам ўлдириш, номуста тегиш, товламачилик, безорилик, фариб-гарлик каби жиноятларнинг ўсиши таъминли ҳол. Бу каби жиноятларга қарши кураш борада комплекс чоралар қўйилди.

Жумладан, вилоят прокуратураси томо-

ни, бу қабиҳликларни ислом дини нуқоби остида амалга ошираётган маънавий "бемор" кишилар асил моҳиятини чуқур англаб еттишга қодир эмаслар. Зеро, мамлакатимиз Президентини таъбири билан айтганда, "Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом ашлос келажакини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин".

Бундай оқимларга мойиллиги учун профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳамда жамоатчилик ҳамкорлигида кенг қамровли тарбиявий-тушунтириш ишлари олиб борилишидан кўзланган мақсад, диний экстремизмнинг реакция моҳияти, унинг Ислон динига мутлақо зид эканлигини одамлар онига синдиришдан иборат. Бинобарин, маҳалла оиладек аҳамиятга эга тарбия институтини ҳисобланади. Аҳолининг барча қатламлари билан қишлоқ, маҳаллаларда бўлган юзма-юз мулоқотлар жараёнида бу яққол кўзга ташланади. Бу борада вилоят прокуратураси органлари томонидан жами 640 та қонунчилик тарғиботи тадбирлари, жумладан, 537 та учрашувлар ўтказилиб, рўнома-ларда 52 марта, телевидениеда 22 марта ва радио-да 29 марта чиқишлар қилинди.

Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноят содир этиб, жавобгарликдан қочиб яширган шахсларга нисбатан қидирув ишлари юритилишининг қонунийлиги ва тергов-қидирув фаолиятининг ташкиллаштирилиши устидан назорат қулайтирилиб, йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича қатъий чоралар қўйилди.

Жиноятчиликка қарши кураш, унинг содир этилишининг олдини олиш бора-

нидан вилоят ҳудудида жорий йилнинг 9 ойида содир этилган жиноятлар ҳудудлар, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари кесимида таҳлил қилинди. Ҳар бир жиноятнинг содир этилишига имкон туғдирган ҳолатлар, жиноятчиликнинг олдини олишга масъул бўлган ички ишлар бошқармаси, шахр ва туман ИИБ махсус хизматларининг жиноятчиликнинг олдини олиш борадаги вазифаларини қай даражада бажарганликлари таҳлил қилинди. Вилоят миқёсида ва ҳудудларда оғир ва ўта оғир жиноятлар, номуста тегиш, қасддан баланга оғир шикаст етказиш, ўғирлик, товламачилик, безорилик, фарибгарлик каби жиноятларнинг ўсиши ва унинг содир этилишига имкон туғдирган ҳолатлар ўрганилди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳудудларда жиноятчиликка қарши курашда амалдаги қонунлар билан уларга юклатилган вазифалар тўлиқ бажарилаётгани аниқланди. Жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва уларнинг келгусида тақорланмаслиги чора-тадбирларини белгилаш хусусида жорий йилнинг 30 октябрь кўни вилоятдаги барча шахр ва туман ҳокимлари номига 13 та тақдирнома киритилди.

Шунини алоҳида таъкидлаш кераки, бурч масъулияти, мажбурият ҳисси унутилган жойда хато, камчилик илдиз отиши, оқибатда жиноят содир этилиши мумкин. Аксинча, ҳар бир ишга виждонан ёндашув, шахсий манфаатлардан умумманфаатини юқори қўйиш, тўғрилиқ, адолат принциплари устуворлиги меҳнатта самара, ҳаётта мазмун бағишлайди.

Бобир СОБИРОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

"ҚОРАОЛТИНАГРО"НИНГ ҲИЙЛАСИ ЎТМАДИ

Тўкин-сочин яшашни ким ҳам хоҳлаётган дейсиз. Иқтисодий жиҳатдан етарли таъминланган, оёғининг тагида гингилган машина, пеш-тоғнинг қошинида камиди икки қаватли ҳовли-жой эгаси. Сирасини айтганда, ҳаёлот меҳнати билан шундай даражага эришганларга ҳавас қилса арзийди. Аммо баъзи кимсалар гайриқонуний тарзда қимтингир ҳисобланган бўлса-да, бойиб кетишни орзу қилиб жиноятга қўл урганини ҳам сезмай қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 592-ПҚ-сонли қарори 6-бандига асосан 2007 йил 1 январдан бошлаб илгари тўланмаган солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларга ҳамда Молия вазирлиги ҳузурига бюджетдан ташқари мактаб таълим жамғармасига мажбурий тўловлар ўрнига савдо корхоналари учун ягона солиқ тўлови жорий этилиб, ушбу қарорнинг 24-илосавига ягона солиқ тўлови ставкалари савдо корхоналари учун 100,0 минг кишидан ортиқ бўлган ҳудудларда 5 фоизли, бошқа аҳоли пунктларида эса 3 фоизли солиқ ставкалари белгиланган. 2006 йил февраль ойидан фаолият юрита бошлаган, учун ДСИга умуман ҳисобот

топширмади.

— Бундан мақсад, — дейди Б.Ҳамроев суддаги кўрсатмасида. — Кўпроқ даромадга эга бўлиш, корхона товар айланмасини янада қўлайтиришдан иборат эди.

Мазкур корхонада молиявий ишлар ўлда-жўлда бўлса-да, раҳбар шахсий қўнғитга зарарига фаолият юритмагани ажабланарди.

Б.Ҳамроев фирма фаолиятини йўлга қўйиш учун ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳам солиққонунга ўтиб кетгани учун солиқ билан боғлиқ "фокус"лари иш беришидан умидвор эди. Бироқ, бу гал қонунни алдаб бўлмади.

Б.Ҳамроев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми "б" банди, 189-моддаси 3-қисми, 227-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилди. Унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 310 баравари, яъни 8 миллион 692 минг 400 сўм миқдорда жазима жазоси тайинланди.

Ахобир АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК Департаментининг Когон шахар бўлими бошлиғи
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

АҲОЛИ БАНДЛИГИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Чиноз туман прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда.

Юқоридаги қарорда аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини янада оширишнинг муҳим омилли сифатида унинг бандлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этишда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ишини жонлантириш ва жавобгарлигини ошириш масалалари кўрсатилган бўлиб, бу аҳоли турмуш даражасини оширишда ҳаётини масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Чунончи, жорий йилнинг 10 ойида туман Бандликка қўмақлашувчи марказга 1350 нафар фуқаро мурожаат қилиб, уларнинг 96 нафарига оғзаки маслаҳатлар берилди. 1260 нафар фуқаро иш изловчи сифатида рўйхатга олиниб, 1187 нафар марказ йўланмаси орқали ишга қўйлаштирилди. 198 нафарига ишсизлик мажмуи берилди. Шу тоифадаги 131 нафар ишсиз фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат фуқаролари юборилди. 17 нафар ишсиз фуқаролар эса қайта касб эгалаш учун ўқинишга жалб этилди.

Банд бўлмаган аҳолини ишга қўйлаштиришда ўтказилаётган меҳнат армаркалари алоҳида аҳамият касб этиб,

ўтган давр мобайнида туманда 3 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Бу ярмаркаларда 83 та ташкилот ва корхона ўзларида мавжуд бўлган 520 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Меҳнати ярмаркасига жами 843 нафар фуқаро жалб этилди.

Ярмарка иш якунига кўра, 144 нафар фуқаро марказ йўланмаси орқали иш билан таъминланди. Ишга жойлашганларнинг 136 нафарини ёшлар, 100 нафарини эса аёллар ташкил этди.

Шунингдек, ўтказилган меҳнат ярмаркасида туманининг 24 та корхона, ташкилот ва муассасалари бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шу кўни ишлаш учун 106 нафар фуқарога йўланмалар берилди.

2009 йилда 3895 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган бўлиб, ўтган 10 ой давомида 3461 та янги иш ўрни яратилди.

Туманда касаначилик фаолияти ҳам ривожланиб бормоқда. Туман ҳокимининг қарори билан 20 та корхонада касаначилик асосида 342 та янги иш ўринлари яратилди.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини иш билан таъминлаш олдимида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шухрат РАХИМОВ,
Чиноз туман прокурори

Шундай тоифадаги одамлар бўладик, улар кимор ва шунга ўхшаш ўйинларга табиатан мойил бўладилар. Халол меҳнат қилиб эришолмаган бойликка кимор орқали эришиш орзусида юрган бундай кимсалар, охири-оқибат борида ҳам айриладилар, хонавар бўлиб, залолатга юз тутадилар. Жуда омади чоғанлари эса маълум муддат кимордан ютган ҳаром пуллари эвазига фаровон яшаш, дунё тўлаши ҳам мумкин. Аммо улар ўзларининг, ҳатто фарзандлари-ю, яқинларининг ҳаётини ҳам киморга тикиб қўйган бўлишади.

Яна бир тоифа одамлар киморни шунчаки эрмак деб ўзларини оқламақчи бўладилар. Аслини олганда, ҳеч ким эрмак учун кимор ўйнамайди. Шайтоний нафсга бўйсунган одамгина бу йўлга юриши барчага аён.

Бошқа бир тоифа одамлар эса "кимор ўйнаган эмас, кимор ўйнатган ютади" қабилида иш тутадилар. Айримларнинг табиатидаги кимор ва шунга ўхшаш ўйинларга мойилликдан фойдаланган кимсалар пулдан тоғ ясаш дардида юрадилар.

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судида ана шундай кимсаларни ўзида бirlаштирган жиноий гуруҳ фаолиятига нукта қўйилди.

ланади, улар энг оғир гуноҳлар сифатида таърифланади. Умуман, кимор ўйинлари ҳеч бир даврга, ҳеч бир жамиятда яхшилик учун хизмат қилмаган.

Шу боис, кимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, кимор биз-

Бизнес таваккалга асосланади, киморга эмас. Аммо буни аксинча



Ана шу хонани ростмога "казино" қиёфасига келтириш учун оғина талмир ва Саркис Закарянга тегишли 20 та ўйин автомати ва 2 та рулеткани жойлаштиришнинг ўзи кифоя қилди. Бу ўйсиналар ноқонуний равишда электр тармоғига уланган, киморхона фаолият учун шай ҳолга келади. Эндиги набават югурдаклар, газначи-операторлар ва турган гапки, қўриқчилик учун бақувват йигитларни топишда қолган эди. Бу жиноий гуруҳ учун қийин кечмади: улар эски танишлари - собиқ "Лайки Ленд" клубининг ҳодимлари мувожазат қилинди. Шу тариқа улар ака-ука Виталий ва Михаил Григорянлар, Рашид Ҳақимов, Сарвар Муҳамедханов, Нодир Жаҳназаров, Петр Айрапетов, Руслан Джанаралиев, Сервер Саидхалилов ва яна тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган бир неча йигитларни махфий киморхона ишига жалб қилишди.

Жиноий гуруҳ бир замонлардаги киморозлар каби қарта ёки ша-

ни қайтариб топишга бошладилар. Уйсиналар ижарасидан тушиб турган даромадининг чўғи қамайган сайин С.Закаряннинг ҳаловати йўқолади. Шунда у "Мартенес Трейддинг Ко" МЧЖ ҚҚ директори Яков Белкинга уйраб "киморхона бизнеси"да ҳамкорлик қилишни таклиф қилади.

Яков Имануилович бундай мўмай даромад манбаидан воз кечмаслиги тайин эди. Шу сабабли, ўзи раҳбарлигидаги фирмага қарашли бино хонасининг қалитини ака-ука Закарянларга қўшқўллаб топишарди.

Хуллас, ишни юритиш Закарянларнинг иккинчиси - Давид Закарянга топирилади.

Судда гувоҳ сифатида иштирок этган фуқаро Т.Б.нинг маълум қилишича, у мазкур киморхонанинг "эски мижозлари"дан саналган. 2007 йилдан 2008 йилнинг апрелига қадар у ана шу киморхонада тахминан 50 миллион сўм пул ютқазган. Яна бир гувоҳ Ш.М. ушбу киморхонада қисқ-

"КИМОРОХОНА БИЗНЕСИ"

Собиқ мустабил тузумнинг охириги ўн йилликларига келиб маънавий таназзул натижаси сифатида қўллаб жиний ўйсиналар ўзини намоён эта бошладилар. Жумладан, киморозлар тоифаси пайдо бўлиб, гоҳ ошқор, гоҳ пинҳона равишда жамиятнинг маънавий-аслоқий қадриятларига даҳл қила бошладилар. Ҳеч кимга сир эмас, кимор ўйинлари қўллаб жинийлардан илдиришга сув қўйиб, кенг қамровли, мудҳиш асо-ратлари билан хатарли иллат саналади.

Республикаимизда мустақиллик йилларида бу иллатлар қажқатқич зарбага учради. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида унинг жамиятга салбий таъсири сезиларли даражада қамайди. Бироқ, сўнгги йилларга келиб кимор ва унга тенгшатирилган ўйинларнинг янги қўрилишлари пайдо бўла бошладик, бу аҳоли, айниқса ёшларнинг маънавиятига қандай таъсир этишини олдиндан айтиб бериш қийин эди.

Аслида кимор ва унга тенгшатирилган барча ўйинлар муқаддас динимиз Исломда ҳам қаттиқ қора-

неси ривожланишининг салбий оқибатларининг олдини олиш борасида зарурий чоралар қўрилди. Шунга қарамай, миллий урф-одатларимиз ва халқимизнинг меъна-летига ёт бўлган кимор ўйинларини ноқонуний ташкил этиш ҳолатлари буткул барҳам топмаган эди.

Бундай салбий ҳолатларга барҳам бериш, аҳоли, айниқса, ўсмирлар ва ёшлар маънавиятини муҳофаза қилиш, уларнинг кимор ўйинлари-га жалб этилиши ҳолатларининг олдини олиш, таваккалчиликка асосланган ўйинлар ташкилотчиларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида 2007 йилнинг 28 мартда Республикаимиз Президентининг "Кимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ўз навбатида кимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни тақомил-лаштириш, кимор ўйинлари ташкилотчилари ва қатнашчиларининг жавобгарлигини кучайтириш мақ-

тушунадиганлар ҳам бор. Улар ноқонуний даромад топиш мақсадида ҳар қандай жиноятга бош қўша оладилар. Шундайларнинг бир гуруҳи - Яков Белкин, ака-ука Давид ва Саркис Закарянлар ўзаро жиний тил бириктириб, мўмай пул топишнинг эски усулидан янгича қўри-нишда фойдаланишга қарор қилдилар ва яширин киморхонани йўлга қўйиш режасини ишлаб чиқардилар.

Турган гапки, ҳозирги замон-нинг киморхонаси учун рулеткалар, автомат ўйинлар, "мижозларлар"га хизмат кўрсатувчи югурдаклар, газначилар талаб этилади. Энг асосий-си, қулай жой ва бино керак. Шу сабабли "Мартенес Трейддинг Ко" МЧЖ ҚҚ директори Яков Белкин МЧЖга тегишли бинодан бир хона-насини жиноий гуруҳ ихтиёрига топишарди.

Бу буюм шаҳримизнинг деярли қасб марказида, "Олой" бозори яқинидаги Қайомов қўчасида жойлаш-ган бўлиб, киморхонага айлантирилган хона 50 кв метрга тенг бўлган.

шқол эмас, балки турли хил авто-мат ўйинлар, рулеткалар билан "пул топиб ақл топмаганлар"ни ўзига жалб қила бошладилар. Шу тариқа ноқонуний киморхона махфий ра-вишда 2007 йилнинг январидан 2008 йилнинг июнь ойигача фаолият юритиб келган.

Аслида бу "ғоя" Саркис Закарян-га тегишли эди.

Суд терговиди С.Закарян қандайдир "Карен" исмли армянистонлик танишининг таклифи билан республикаимизга автомат-ўйин ўйсина-ларини келтиришни йўлга қўганини, 2006 йилнинг октябргача турли йўллар орқали 73 та автомат-ўйинлар усқунаси, 12 та рулетка келтиришганини айтди. Унинг айтишича, Республикага олиб қилинган ушбу ўйсиналарни киморхоналарга ижарага беришни йўлга қўйишган.

2007 йилдан бошлаб эса, қўри-да номлари келтирилган Президент ва ҳукумат қарорлари чиқishi билан ноқонуний киморхоналар фао-лияти тўхтади. Шундан сўнг улар С.Закаряндан ижарага олган авто-мат-ўйин ўйсиналари ва рулеткалар-

муддат ичида 600-700 минг сўм пул ютқазганини айтди.

Жиноий гуруҳ 2007 йилнинг январидан 2008 йилнинг июнь ойигача фаолият юритиб келган ноқонуний киморхона ортдан ҳар қуни ўртача 4-5 миллион сўмдан даромад қўрган. Уларнинг шунча вақт даво-мида назорат қилинмайдиган даромад топишга пухта режа асосида иш юритишгани сабаб бўлган. Кимор-хона қўриқчилари бино ичкарисига фақатгина ўзларига таниш одамлар-нинг киришига-рухсат бергани унинг шунча муддат давомида мах-фий қоллишига имкон берган.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмай-ди. Нопок йўллар билан, назорат-сиз даромад топишни касб қилиб олган жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳар бири суд ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Улар қамишга ҳам "кимор ўйна-ганлар" ютавермаслигини тушуниб олишганлари аниқ.

Мирағлам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
биринчи ўринбосари

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан ёшларга, айниқса, воёга етмаганларга кўрсатилган эътибор таҳсинга сазовордир. Айниқса, барқамол авлодни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфатларини таъмин-лаш, бу борадаги ишларни янада ривожлан-тириш мақсадида муҳим меъёрий ҳужжат-лар қабул қилиниб, кенг қўламли давлат дас-турларининг амалиётга таътиб этилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, келажак ав-лод учун қайғуриш халқимизнинг энг хай-рли ва савобли амалларидан ҳисобланади.

доли ўтказилишини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинади. Тез кунда эълон ҳам чиқади. Бундан хабар топган Т.Қаҳаров "Vodiy gold produkt" хусусий корхонаси раҳбарининг ҳузурига йўл олади. У раҳбарга нима дейди, нима қўяди, бу унинг ўзига-ю, раҳбарига аён. Бироқ, нима бўлганда ҳам кўп ўтмай, яъни 10 ноябрь кун корхона номидан тендер комиссиясига тендерла қатна-шиш учун зарур ҳужжатлар ва 12 минг 500 сўм баҳосидати болалар кўртқаларидан намуналар тақдим этилади.

ҲАМ ЭНИДАН, ҲАМ БЎЙИДАН...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳма-сининг 1997 йил августдаги "Ўқитувчи-лар ва ўқувчилар турмуши моддий шароит-ларини яхшилашга оид қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида"ги қарори ҳам ана шундай эроғ мақсадлар йўлида қабул қилинган. Бироқ, давлат миқёсидати ана шундай хай-рли ишларга қўшилиб, савоб орттириш ўрнига ўз жингидонини ўйлайдиган, нафси йўлида ҳар қандай қингир ишлардан ҳам тап-тормайилган кимсалар афсуеки, ҳанузгача учраб турибди.

Ана шундай учарлардан бири 1970 йили Қўқон шаҳрида туғилган Тўқтин Қаҳаров-дир. Тўқтинбой нима қаромат кўрсатибди-ки, "учар" деган ном олибди дейсизми? Мар-ҳамат, қўйилад холат билан танишсангиз, буни ўзингиз ҳам қилиб olasiz.

2006 йилда Республика Халқ таълими ва-зирлигининг "Ўқув Таълим-таъминот" Дав-лат унитар корхонасида 2007-2008 ўқув йи-лида 1-синфга келадиган ўқувчиларга ўқув қуроллари ҳамда ҳам таъминланган оилалар-нинг 1-9-синф ўқувчилари учун қишқик иссиқ кийим-бошларни харид қилиш бўйи-ча тендер комиссияси тузилиб, комиссия-нинг 4 октябрдаги йиғилишида тендер тан-

Омадни қарангки, тендер комиссияси-нинг 27 декабрь кундаги мажлисида асосан "Vodiy gold produkt" хусусий корхонаси тан-ловда ғолиб деб топилади. 2008 йилнинг 23 январиди эса "Vodiy gold produkt" хусусий корхонаси билан "Ўқув Таълим-таъминот" ДУК ўртасида шартнома тузилиб, унга қўра хусусий корхона ДУКга ҳар бирининг ба-ҳоси 12 минг 500 сўмлик жами 3120 донга болалар кўртқаларини етказиб бериши ке-рак бўлади. Ушбу шартномага қўра, "Ўқув Таълим-таъминот" ДУК ҳисоб рақамидан "Vodiy gold produkt" хусусий корхонасининг ҳисоб рақамига 39 млн. сўм ўтказилади. 2007 йилнинг 10 апрель кун хусусий корхона ДУКга 1560 донга қиз болалар ва 1560 донга ўғил болалар кўртқаларини етказиб беради.

Ҳўш, икки корхона ўртасида қонуний шартнома тузилад бўлиб, унинг шартлари ҳам тўлиқ бажарилган бўлса, муаммо нима-да экан, дея сўрашингиз табиий. Ҳамма гап шундаки, биринчидан "Vodiy gold produkt" хусусий корхонаси ҳеч қанақа кўртқа ишлаб чиқармасди. Иккинчидан, Т.Қаҳаровнинг учарлиги шундаки, айнан унинг маслаҳати билан бозордан қўйбола усулда тикилган кўрт-калар сотиб олинди ва гўё ҳақиқатан ҳам

хусусий корхонада тикилган деган вақт билан тендер комиссиясига тақдим қилинади. "Vodiy gold produkt"нинг тендерда ютганлиги маълум бўлиб, унинг ҳисоб рақамига "Ўқув Таълим-таъминот"дан тегишли маблағ ўтқа-зилганда кейин, янги муаммо пайдо бўла-ди. Энди хусусий корхона ДУКга топиши-ри керак бўлган маҳсулотнинг Давлат стан-дарти талабларига жавоб бериши ҳақидаги ҳужжатни қўлга киритиш лозим эди. Бунинг ҳам йўли топилади. 2007 йилнинг 30 март кун Қўқон шаҳридаги Уста Ширин кўча-сида жойлашган цехда гўё ишлаб чиқарилад болалар кўртқалари меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқлиги ҳақида тегишли ра-қам билан берилган мувофиқлик сертификат-ти қалбақиланштирилади. Улар ишни шу да-ражада пухта қилишдики, ҳатто ҳар бир кўртқага "Vodiy gold produkt" ХК хусусий кор-хонаси" ёзуви ёрқиларини ёпиштиришни ҳам унуттишарди.

Шундай қилиб, ҳақиқий нархи 21 млн. 450 минг бўлган, Давлат стандарти талаб-ларига жавоб бермайдиган, қўйбола тикил-ган 3120 донга сифатсиз болалар кўртқала-рининг нархи 17 млн. 550 минг сўмга суъ-ний равишда оширилиб, 39 млн. сўмга ўтқа-зилиши натижасида "Ўқув Таълим-таъми-нот" Давлат унитар корхонасининг манфа-атларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилди.

Ўз навбатида "Vodiy gold produkt"чилар бу маблағларни корхонанинг ҳисоб рақа-мидан бошқа ҳўжалик юритувчи субъект-ларга тез харидориги моллар учун қишқик қилиб, нақдлаштиришди ва ўзаро тақсим-лаб олишди.

Т.Қаҳаров ўша йилнинг ўзида "Қўқон-нефтбоза" унитар корхонаси раҳбарларининг

ишончига кириб, янги режа ишлаб чиқади ва УК билан "Vodiy gold produkt" ХК ўртаси-да сохталаштирилган шартнома тузилади. Натижада, қонуний ҳужжатлари ва сер-тификатлари бўлмаган, ҳақиқий нархи 18 млн. 358 минг 266 сўмлик 12 турдаги эҳтиёт қисмларнинг нархи суъний равишда бир неча барабар оширилиб, "Қўқоннефтбоза" УК уларни нақд 46 млн. 168 минг сўмга со-тиб олади. Оқибатда, унитар корхонанинг 27 млн. 809 минг 734 сўм маблағи ўзлашти-рилиб, талон-тарож қилинади.

Келаси йилда ҳам худди шу усулни қўллаб, "Қўқоннефтбоза" УК ва "Офтоб" ХСЧФ ўртасида шартнома тузилади. Бу са-фарги "ўйин"да унитар корхона 6 млн. 515 минг 987 сўмлик моддий зарар кўради.

Айтмоқчи, Т.Қаҳаровнинг "фаолияти" фа-қат шулар билангина чекланб қолмайди. Унинг "учар"лиги натижасида яқка тартибдаги тал-биркор таниши 2006-йилнинг октябидан 2007 йилнинг сентябргача 161 млн. 982 минг 761 сўм дебет ва 161 млн. 982 минг 761 сўм кредит пул товар айланмаларини амалга ошириб, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасида кўрсати-лмаган қўрилиш маҳсулотларини ишлаб чиқа-риш ва сотиш фаолияти билан шуғулланиш ўрнига улгуржи савдо фаолияти билан шу-ғулланиб келган ва беш фоизлик ставкада 5 млн. 444 минг 97 сўмлик ягона солиқ тўловла-рини тўлашдан бўйин товланган.

Суд жарёишда барча ҳолатлар муҳокама қилинди. Етказилган зарарининг тўлиқ қоплан-ганини ҳам инобатга олдини ва судланувчи Т.Қаҳаров икки йилу олти ой ўн беш кун муддатга моддий ва мансабдорлик ҳамда сав-до фаолияти билан шуғулланиш ҳўқуқидан маҳрум қилиниб, унга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизи давлат фойдасига ундирилган ҳолда икки йилу саккиз ой ўн икки кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Шунингдек, "учар"га 2 млн. 794 минг 500 сўм жарима жазоси ҳам тайинланди.

Ҳаётбек ШАМСУТДИНОВ,
Бощ прокурора бўлим прокурори

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

(Давоми. Бош 1-бетда)

"Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ Хоразм минтақавий филиали мутахассислари томонидан юқоридagi туманларда яшовчи фуқаролар билан учрашувлар ўтказилиб, тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун фуқароларга имтиёзли ипотека кредити ажратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 3878-сонли Фармо-

га 9 минг кв. метр дераза, эшик блоклари ва ойна пакетларини ишлаб чиқариш қувватига эга корхона ишга туширилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 45 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, бу тadbirlарга 11990 нафар ёшлар жалб қилинди. Уларнинг 6878 нафари доимий ишга жойлаштирилди ва 5112 нафарига меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳатлар берилди.

Вилоятнинг қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ри-

кат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маҳаллий хом-ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида янги иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек қишлоқ жойларида корхона ва ташкилотлар билан шартнома асосида 2806 та уй меҳнатини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда эса 4782 та иш ўринлари яратилиб, режа 170,4 фоизга бажарилгани таъминланди.

Дастур асосида ҳар бир туманда камида 50 та кам таъминланган оилани бир бош қорамол би-

вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси маъсул ходимлари томонидан назорат етарли даражада ташкил қилинмаганлиги оқибатида, айрим объектларда қурилиш ишлари амалга оширилишида суст-кашликка, суниестемолчиликларга йўл қўйилганлиги ўтказилган мониторинг давомида маълум бўлди.

Жумладан, манзилий дастурга киритилган ва тендер баҳоси 2400,3 миллион сўмга тенг бўлган Қўшқўпир туманидаги касб-ҳунар коллежини 2009-

йил 7 мартдаги 81-сонли қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" туман дастурининг 9-бандига мувофиқ, жорий йилнинг

АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ОШИМОҚДА

нига мувофиқ жорий йилнинг 10 ойи давомида 7332,0 миллион сўм кредит маблағи ажратилган.

24 та қишлоқда 46,1 км. ичимлик суви тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Танлов савдоларидан иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига қўшимча 2 та қишлоқда ичимлик суви тармоқлари ётқизилди. 25,8 км. сув тармоқлари реконструкция қилиниб, 30 та қишлоқ аҳоли яшаш пунктларидаги 5630 та хонадоннинг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Осиё тараққиёт банки кредитлари ҳисобига Қўшқўпир туманидаги 14 км. ичимлик суви тармоғини ётқизиш ишлари амалга оширилди.

Қўшқўпир туманида йилига 500 минг дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга объект ишга туширилди. Зарур хом ашё келтирилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирда 16,5 минг дондан ортиқ шифер ишлаб чиқарилади.

Урганч шаҳрида йилига 1 миллион дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга объектга зарур асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Хива туманида йили-

вожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини ошириш ишларига 20,5 миллиард сўм сарфланиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда эса ўтган давр мобайнида 27,9 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланиб, мазкур бўлимдаги вазифалар 136 фоизга бажарилган.

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш ҳисобига 8348 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилиб, ҳақиқатда 11160 та иш ўрни яратилиб, режа 133,7 фоизга бажарилгани таъминланди.

Қишлоқда саноат ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шу асосда қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш ишларига 12,9 миллиард сўм сарфланиши кўзланган бўлиб, режа ошиғи билан удаланишига эришилди.

Дастурга асосан вилоятнинг қишлоқ жойларида жами 23618 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Ҳақиқатда эса 33402 та иш ўринлари яратилиб, режа 141,4 фоизга бажарилди. Жумладан, чорвачилик, паррандачилик ва иссиқхона ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш, тикувчилик буюмлари, пойабзаллар, мебеллар, қандолатчилик ва озиқ-ов-

лан-таъминлаш режалаштирилиб, бандликка қўмаклашиш жамғармасининг имтиёзли кредитлари ҳисобига 444 та ва ҳомийлар маблағлари ҳисобига 1524 та кам таъминланган оилалар қорамол билан таъминланди.

Вилоятда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишни яхшилаш, унинг тиббий маданиятини ошириш мақсадида республика шосилинч тиббий ёрдам маркази Хоразм филиали ва унинг 11 та филиали, 47 та қишлоқ врачлик пункти ва 3 та қишлоқ участка шифохоналари тиббий асбоб-ускуналарини қабул қилишга тайёр ҳолда бўлиб, "Саломатлик" лойиҳаси асосида ҳар бир туманга 2 талдан, жами 23 та "Дамас" русумли санитария автотранспортлари ажратилди. Шунингдек РШТЕЙМ Хоразм филиали тез тиббий ёрдам бўлимига 6 та "HYUNDAY" автомашинаси ажратилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат Дастуридан келиб чиққан вазифаларни бажариш борасида вилоят мутасадди ташкилотлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилиши билан бирга, улар фаолиятида айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани прокуратура органлари томонидан аниқланди. Жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилиши ташкил этиш, қишлоқда турар жой ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштиришни таъминлашдан иборат чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ 2009 йил давомида "Хоразм архитектура лойиҳа қурилиш" ҳусусий корхонаси 20 та, "Хоразм мартило лойиҳа қурилиш" ҳусусий корхонаси томонидан 20 та, ҳудудларни меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган бўлса-да, вилоятдаги 98 та қишлоқ фуқаролар йигинининг 4 тасидаги лойиҳалар тайёрланиб, тегишли туман ҳокимлари қарорлари билан тасдиқланган. 18 тасида эса лойиҳалаш ишлари амалга оширилаётган бир пайтда, қолган 18 тасида лойиҳаларини ишлаб бериш юзасидан шартнома-лар ҳам тузилмаган.

Шунингдек Хоразм вилоятининг жорий йил манзилий дастурига киритилган мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши, таъмирланиши аҳоли устидан Хоразм

2010-ўқув йилига топшириш ҳамда Урганч туманидаги 16-сонли ва Шовот туманидаги 41-сонли умумтаълим мактабларида таъмирлаш ишларини белгиланган муддатларда яқунлаш чоралари қўрилмаган.

Бундан ташқари "Хоразм қурилиш" ОАЖ Урганч давлат университети қошидаги 4-сонли академик лицей қурилиши бўйича ўтказилган тендер болиби бўлиб, шунга асосан жамият академик лицейда қурилиш ишларини бажарган. Лицей ўқув корпусида шифер том ишларида 307 кг. рухланган пўлат лист, 6 дона телефон аппаратлари, 2 дона "умивальник", 2 дона "сместитель", 1 дона "унитаз", ташқи водопривод тармоғида 2 та гидрантлар ўрнатилмаган. Жами 3840395 сўмлик ишлар амалга оширилмаган бўлса-да, жамият бошқаруви раиси М.Камалов мансаб мавқеини суниестемол қилиб, қилинган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномасиёт фактурага сохта маълумот ва ёзувлар киритиб, давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилинишига эришган.

М.Камаловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "а,г" бандлари, 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Дастур асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш шaroитларини яхшилаш, уларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўриш борасидаги вазифаларнинг бажарилиши ҳамда бу борада мутасадди ташкилотлар томонидан бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши аҳоли ўрганилганда, айрим қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, "Туямайин-Урганч" минтақалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармаси Питнак шаҳар бўлимида СТИ омборхонаси мудири Р.Худайберганонов моддий жавобгар шахс бўла туриб, мансаб мавқеини суниестемол қилиш йўли билан ўз жавобгарлигидаги товар моддий бойликлардан жами 1922278 сўмликни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Мазкур ҳолат бўйича Р.Худайберганоновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "г" банди билан жиноят иши қўзғатилди.


Маълумки, сўнгги йилларга келиб қишлоқ жойларида автомо-

1 ва II чорагида туманнинг "Ғойбу" қишлоғи, "Қози-Қорабой" маҳалласи ички ҳўжалик йўлининг 2,2 километрини жорий таъмирлаш ишлари режалаштирилиб, туман йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиши давлат корхонаси билан пудрат шартномаси тузилган бўлса-да, текшириш кунига жорий таъмирлаш ишлари атиги 0,23 км.га бажарилган. Қолган 1,97 км. қисмида жорий таъмирлаш ишлари бошланмагани маълум бўлди.

Вилоят қишлоқларида, аввало, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг кенг комплексини амалга ошириш ҳамда Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, бу борада ишлар етарли даражада ташкил қилинмаганлиги аниқланди. Масалан, Шовот туманида яратилган касаначилик иш ўринлари ўрганилганда, туман тиббиёт билирмасига 2009 йил 22 январда Н.Шарипова, М.Матназарова касаначи тикувчи, Р.Бобожонова касаначи фито-бар, 2009 йил 30 май куни М.Муратова касаначи тикувчи, шунингдек марказий поликлиникага Н.Юлдашева 2009 йил 31 январдан касаначи тикувчи вазифаларига ишга қабул қилинган бўлсалар-да, иш берувчи томонидан ушбу касаначиларга буюртмалар берилмаганлиги, иш ҳақи ҳисобланмаганлиги аниқланди.

Туман ДСЭНМда ишлаб келаётган 6 нафар ходимлар иш берувчининг 2009 йил 28 мартдаги 281-сонли буйруғига асосан касаначи дезинфектор вазифасига расмийлаштирилган бўлса-да, амалда эса олдинги вазифалари бўйича иш бажариб келишган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шaroитларни бартараф этиш ҳақида 20 та тақдирнома киритилиб, 11 нафар шахс маъмурий, 43 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Қонунга хилоф бўлган ҳўжжатларга нисбатан 32 та протестлар киритилиб, аниқланган қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят ишлари қўзғатилди.





Мамлакатимизда муҳим сиёсий кампания — сайловлар ўтказилишига санокли кунлар қолди. Сайлов тушунчаси нима, кишилик тарихида қачондан бошлаб сайловлар ўтказила бошланган? Мамлакатимизда яқинда ўтказиладиган сайловлар олдингиларидан нимаси билан фарқ қилади, сайловларнинг асосий турлари ва шакллари қандай? Юқорида қайд этилган саволларга жавоб топиш мақсадида Қарши Давлат университети илмий котиби, сиёсий фанлар номзоди Меили Тўрақулловга мурожаат қилдик.

— Меили Тўрақуллов, бу йилги сайловларнинг 2004 йилдаги сайловлардан фарқи ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Маълумки, 2009 йилнинг 27 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига навбатдаги сайловлар бўлиб ўтади.

Бу йилги сайловлар давлатимиз раҳбари тақлифига биноан Олий Мажлис палаталари томонидан 2009 йилда қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун асосида ўтказилади. Ушбу қонунга биноан Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 нафардан 150 нафарга кўпайтирилди. Қуйи палатанинг 135 нафар депутати умумий, тенг ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида ҳудудий бир мандатли сайлов округларидан кўптартиятвийлик асосида сайланади. 15 та депутатлик ўрни эса носийси, оммавий жамоат ташкилотли бўлган Ўзбекистон экологик ҳаракатига ажратилган. Чунки, ҳозирги пайтда дунё бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, наботот ва ҳайвонот дунёсини асраш ўта долзарб муаммо бўлиб қолди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутатлар ушбу ҳаракатнинг олий органи бўлган республика конференциясида шу йил 27 декабрь кuni яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сайловда доир қонунчиликка киритилган ўзгаришга кўра, ҳокимият вакиллик органларига фуқароларнинг ташаббуслар гуруҳларидан номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қонун бекор қилинди. Мамлакатимизда кўптартиятвийлик тизими самарали фаолият кўрсатаётган ҳозирги шароитда фуқароларнинг ташаббуслар гуруҳлари томонидан номзод кўрсатишга ҳожат қолмади.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар кўлами фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини ўсатганига даражасини ҳисобга олган ҳолда "Сайлов тўғрисида"ги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш табиий жараёндр.

Ўзбекистон фуқароларининг сайлов институтига бўлган эътибор ва қизиқишларини ҳисобга олиб,

уларнинг бу борадаги сиёсий-ҳуқуқий қарашларини янада бойитиш жуда муҳимдир. Бунинг учун жаҳоннинг етакчи демократик мамлакатларида амал қилаётган сайловлар тизимининг тажрибаси билан таништириш фойдалан ҳоли эмас. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов алоҳида таъкидлаб айтганидек, тараққий этган мамлакатларда сайловларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, аҳолининг сайловларга муносабати масаласида тўплаган илгор тажрибани синчиклаб ўрганишимиз даркор.

— Сайлов тушунчаси, унинг маънаси ва аҳамияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Сайловлар — у ёки бу мамлакатда давлат ҳокимиятини фуқароларнинг хоҳиш-истаклари асосида қонуний йўл билан шакллантириш воситаси, фуқароларнинг ўз мамлакатларини билвосита (вакиллар орқали) бошқариш усулидир.

Сайловлар орқали мамлакат аҳолисининг оқ-қорани таниган,

лар асосида тинч йўл билан ҳал қилинишни адолатли ечими топилди. Жамият ҳаётида "сайлов", "халқ овози" номи остида Нидерландия (Голландия)да 1800 йили давлат ҳокимиятининг Олий вакиллик органига сайловлар бўлиб ўтди. Унда мамлакат аҳолисининг 12 фоизи иштирок этган.

Тўғри, сайлов тадбирлари антик замонларда, қулдорлик тузуми даврида ҳам Греция ва Рим давлатларида ўтказилгани тарихдан маълум. Ҳукмдор синф вакиллари, яъни қулдорлар давлат ҳокимияти органини шакллантириш ишида қатнашганлар. Аммо, бу сиёсий тадбирларда мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил этган аёллар ва қуллар иштирок этмаганлар. Шу боис, қадимги Греция ва Римда жорий қилинган сайловлар демократик бошқарув тизимининг тор маънодаги кўриниши, ҳозирги сайлов қиёфасининг даслабки ҳомаки чизмаси эди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирги маънодаги сайлов

Дунёнинг энг илгор мамлакатлари сирасига кирган АҚШда ҳам сайловчиларнинг ёш чегараси кўп йиллар давомида 21 ёш бўлиб келди. Ёшларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олишга мажбур бўлган АҚШ Конгресси 1971 йилда мамлакат конституциясига 26-қўшимчани киритиб, 18 ёшга тўлган фуқароларга сайлаш ҳуқуқини беришга қарор қилган эди.

— Сайловчиларнинг жинси ва касби ҳисобга олинмасан мамлакатлар ҳам борми?

— Фуқаролар ўзларининг қайси жинс вакили бўлишидан қатъи назар, маълум ёшга етган, сайлов ҳуқуқига эга эканлиги барча демократик мамлакатларнинг миллий конституцияларида қайд этилган. Бу ҳуқуқ сайлов тизимининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланишини юқорида таъкидладик.

Бирок, кўпгина мамлакатларда аёллар эркакларга қараганда анча кейин, яқин ўтмишдагина сайлаш ҳуқуқини кўлга киритган-

тошчалардан бирини сайлов қутиларига (ҳар бир номзод учун олоҳида) ташлаганлар. ("Сайлов қути-си" сўзи ушундан қолган). Оқ тошча — ёқлаб, қора тошча эса қарши овоз беришганилини билдирган.

Ҳозирги кунда ҳам овоз беришнинг антиқа усуллари бор. Масалан, Африка қитъасининг шарқий қисмида жойлашган Уганда Республикасида (п. Кампала) фуқаролар маҳаллий ҳокимият органларига бўлайдиган сайлов кунини ўз ҳудудларидаги майдонга тўпладилар. Сайловчилар ўзларига маъқул бўлган номзод орқасидан сафга тизилади. Депутатликка номзод бўлган кишилардан қайси бирининг колоннаси узун бўлса, уша номзод ғалаба қозонади.

Дунёдаги аксарият кўпчилик мамлакатларида овоз беришда сайлов бюллетенларидан фойдаланилади. "Австралия бюллетени" деб номланган ҳозирги сайлов бюллетенлари 19-асрнинг охириларидан бошлаб кенг қўлланил-

БУЮК СИЁСИЙ КАШФИЁТ

дунёқарши шаклланган, маълум ёшдаги кўпчилик қисмининг амри орқали мамлакатни бошқаришга қодир бўлган лаёқатли кишилар танланади ва улар халқ номидан давлатни бошқариш ҳуқуқини кўлга киритадилар. Шу тариқа марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари таркибига сайланган сиёсий элита (сараланган кишилар) зиммасига сайловчилар ишончини оқлашдек ўта масъулиятли вазифа юклатилади. Халқ ишончини оқлай олмаган сиёсий элитанинг ваколатлари навбатдаги ёки навбатдан ташқари қачирлидиган сайловлар натижасида бошқа кишилар кўлига ўтади.

Адолатли, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этишнинг энг самарали ва бирдан-бир тўғри йўли умумхалқ сайловлари эканлиги эндиликда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўз исботини топиб деишга барча асослар бор. Бунинг илгор демократик мамлакатлар тажрибаси кўрсатиб турибди.

— Сайлов ўтказиш маросимлари қачондан бошланган?

— Кўна тарихнинг гувоҳлик беришича, жамият ҳаётида ижтимоий табақаланиш рўй берган пайтдан (миллоддан олдинги VI-V асрлар) то XIX аср бошларига қадар оддий халқ оmmasи, мамлакатлар аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этишига қарамай сиёсий муносабатларнинг объекти вазифасини бажариб келган. Оддий фуқаролар ўта даражада илоҳийлаштирилган якка ҳукмдорлик ёки бир ҳовуч юқори мансабдор шахслар томонидан белгилаб берилган сийсатини кўр-кўрона бажаришга мажбур эдилар. Улар нафақат Ватани, ҳатто ўз тақдирини ҳам ҳал қилиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар.

Тарихнинг сиёсий саҳнасида ҳукмдорлар қўлида оддий кўнчирок, амалий ҳаётда эса жонли иш қуроли вазифасини бажаришга маққум этилган халқ оmmasи даврлар ўтиши билан ўзигини ва ўзини англай бошлади. Кўзи очилган халқнинг давлат ҳокимияти зўравонлиги ва ижтимоий адолатсизликка қарши тинимсиз олдидан борган курашлари зое кетмади. Ва ниҳоят, "Шахс-жамият-давлат" (сиёсий учбурчак) ўрта-сидиги ўта зиддиятли, тобора тараққийлашиб бораётган муносабатларни ўзаро мурося ва келишув-

тизмининг жорий қилинганига икки асрдан ортиқроқ бўлди. Эндиликда эса, жаҳондаги давлатларнинг деярли барчасида мамлакат фуқаролари у ёки бу даражада сайлов ҳуқуқидан фойдаланмоқдалар. Уларнинг овози ўз мамлакатлари ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнамоқда.

— Сайлов тизимининг асосий қонун-қондалари ҳақида фикр билдирсангиз.

— Ҳозирги замон сайлов тизимининг конституциявий принциплари жумласига умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ва яширин овоз бериш ҳуқуқлари кирди. Ушбу қонун-қондаларга кўра, сайлаш ёшга етган фуқаролар ўзларининг ижтимоий келиб чиқиши, ирки, миллати, жинси, тили, дини, маълумоти ва машғулоти туридан қатъи назар давлат ҳокимиятининг барча вертикал тизими (олий, ўрта ва қуйи бунгиларини) яширин овоз бериш орқали сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Аммо, ҳар бир мустақил давлат мавжуд тарихий шароитини, ўз мамлакатларига хос бўлган ижтимоий-сиёсий анъаналар ва мекосадаги миллий хусусиятларини, ўз фуқароларининг сиёсий онги ва сиёсий фаоллик даражаси каби қатор белгиларини ҳисобга олган ҳолда сайлов тизимига оид қонунлар мажмуасини қабул қилган. Агар биз дунё мамлакатларининг сайлов тизими соҳасидаги тажрибаси ва ҳозирги аҳолининг таҳлил қилинган бўлсак, фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқи масаласида маълум бир тафовут ва чеклаш ҳолатлари мавжудлигини ҳамда замон зайлига қараб айрим қондаларини ўзгартириш ва янгиланиб борганини кўраимиз.

Мисол учун, фуқароларнинг сайлаш (овоз бериш) ҳуқуқини олиб кўрайлик:

а) сайловда қатнашувчиларнинг ёши масаласи.

Дунёнинг кўпчилики мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам, сайлов кунигача 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга. Аммо, баъзи мамлакатларда, масалан, Бразилия, Никарагуа, Куба ва Эронда 16, Индонезияда 17, Швейцарияда 20, Боливия, Марокаш ва Хиндистонда эса 21 ёшга тўлган шахсларгина сайловда овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

лар. Аёлларнинг сайлаш ҳуқуқи АҚШда — 1918, Францияда — 1944, Италия ва Японияда — 1945, Грецияда — 1956, Швейцарияда эса 1971 йилдан бошлаб қонуний кучга кирган.

Айрим мусулмон давлатларида эса, масалан, (Иордания ва Мавритания) аёллар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эмаслар. Аргентина ва Бразилияда аҳолининг бошқа бир қатлами, яъни армиянинг сийсатга аралашувига йўл қўймаслик мақсадида ҳарбий хизматчилар сайловларда иштирок этмайдилар.

— Истиқомат цензи чекланган мамлакатлар ҳам борми?

— Маълумки, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари маълум бир сайлов участкаси жойлашган ҳудудда қанча вақтдан буён яшаётганлигидан қатъи назар сайловчилар рўйхатига киритиладди. Баъзи мамлакатларда эса, сайловчиларнинг сайлов участкаси ҳудудига қанча вақтдан бери истиқомат қилаётганлиги ҳисобга олинади. Масалан, АҚШда сайлов участкаси тузилган ҳудудда сайлов кунига қадар 30 кун, Канада ва Финландияда — 1 йил, Норвегияда эса 5 йил яшаган фуқароларгина сайловда иштирок этишлари мумкин. Бундан мақсад — аҳолининг у жойдан бу жойга кўчиб юриш (миграция) жараёнини маълум даражада чеклаш ва тартибга солишдан иборатдир.

— Қайси мамлакатларда овоз беришнинг қандай воситаларидан фойдаланилади?

— Ҳар бир сайловчи қайси номзодни танлаш ишини ҳеч бир овоз чиқармасдан, яширин, сайлов бюллетенлари ёки электрон машиналар воситаси орқали ҳал қилади. Шундай экан, нега "овоз бериш" термини қўлланилиб келинмоқда? Бу сўз бизга қадимги Спарта давлатидаги сайлов маросимидан қолган мерос. Давлат органларининг шахсий таркибини сайлаш ҳуқуқига эга бўлган асқлодалар қайси номзодни баланд овозда қўлар қайтаслар ўша номзод — голиб, ва аксинча, паст овоз чиқарсалар — ўша номзод мағлуб деб ҳисобланган.

Қадимги афиналиклар эса ўз вакилларини бошқа йўл билан сайлаганлар. Сайловчилар ўзларига берилган оқ ва қора рангдаги

моқда. Бунинг сабаби шуки, бир хил рангда ва ҳажмда бўлган ушбу бюллетен яширин овоз бериш ҳуқуқини тўлиқ кафолатлайди. "Австралия бюллетени"га қадар эса, сиёсий партиялар ва депутатликка ўз номзодини мустақил кўрсатган кишиларнинг ҳар бири турли кўринишдаги ўз бюллетенларини махсус вакиллари орқали сайловчиларга тарқатар эдилар. Сайлов қутисига ташланаётган бюллетенларнинг ташқи кўринишига қараб, сайлов натижасини олдиндан билиш мумкин эди.

Кейинчалик жорий қилинган Австралия бюллетени бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишда катта ижобий роль ўйнаган бўлса-да, бунинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Чунки барибир, қозғо бюллетенларини ҳисоблаш орқали сайлов натижаларини аниқлаш анча вақтни олади. Бунинг ҳисобга олган АҚШ олимлари 20-асрнинг сўнгги йилларидан бошлаб махсус машина яратдилар. Эндиликда ушбу сайлов машиналари АҚШ ва баъзи илгор давлатларда қозғо бюллетенларини тўлиқ сиқиб чиқарди. Овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлашда энг қўлай бўлган электрон ҳисоблаш машиналари, назаримизда, ҳозирги асримиздан бошлаб кўпчилик мамлакатларда кенг қўлланилиш мумкин.

Биз мазкур мақолада халқ ҳокимиятини шакллантиришнинг асосий воситаси ҳисобланган — демократия кўзгуси, умумхалқ сайловларининг мазмун-моҳияти, унинг қисқача тарихи, бу ўта муҳим сиёсий тадбирини амалга оширишда жаҳон мамлакатлари тўплаган тажриба ва сайловларнинг бугунги кунда жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр юритдик. Сайлов тизимининг келгусида бутун дунё мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам янада тақомиллаштириб бориш лавр талаби. Лекин, сайловларнинг ҳозирги кўриниши ҳам ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини бунёд этишнинг синналган воситаси, инсоний ақл-заковатининг буюк сиёсий кашфиёти эканлигига шак-шубҳа йўқ.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига кўра мамлакатимизда давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан махрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйи-

Муассасага турли хайрия ташкилотлари, санъат ва маданият намоёндаларининг диққат-эътибори қучайди, — дея фикрларини баён қилади шахарча директори Д.Мўминова. — Йил давомида, айниқса, байрамларда концерт ва кўнгилочар дастурлар билан қатор ижодий гуруҳлар, ўнлаб инсонлар юрак амрига кўра

бир болани ҳунарга жалб қилиш, ўз қобилиятини намоён қилиш, жисмоний баркамолликка эришиш имконини бермоқда. Ёпиқ сузиш ҳаваси, гимнастика, акробатика ва бокс заллари болалар ихтиёрида. Ёзги амфитеатр, вокал, хореография, фортепиано, миллий мусиқа асбобларидан куй чалиш, бадий би-

руҳи эса Тошкент шахрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми" фонди ташкилотчилигида ноябрь ойида ўтказилган "Янги авлод - 2009" болалар ижодиёти фестивалида ўзбекона "Кўпқари" рақси билан иштирок этиб, лауреат бўлиб қайтдилар.

Конституция кўни арафасида Андижон шахрида

Мақтаб-интернатда байрам тадбири

Жисмоний имконияти чекланган, турли сабабларга кўра ногирон бўлиб қолганларнинг жамиятга қўшилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, рағбатлантириш ва тараққий эттириш жамиятининг инсонпарварлик даражасини белгилаб беради. Мамлакатимизда ҳам жисмоний имконияти чекланган, ногирон болаларга гўдаклик чоғидан бошлаб ғамхўрлик кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жумладан, халқро ногиронлар кўни муносабати билан Навоий вилоят прокуратураси ташаббуси билан Кармана туман прокуратураси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, халқ таълими бошқармаси ҳамкорликда Н.Туробов номли кар-соқов ва кўзи ожиз болаларни ўқитишга ихтисослашган 25-махсус мақтаб-интернатда байрам тадбири ташкил қилинди.

Мақтаб-интернатда 297 нафар имконияти чекланган болалар таҳсил олишди. Хусусан, мақтаб-интернатда 5 нафар ота-онаси йўқ чин етим болалар, 24 нафар ярим етим болалар, 72 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, 19 нафар ота-онаси ногирон болалар таълим олмоқда.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан мақтаб-интернат учун байрам совғалари тарқатилди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандларига 500.000 сўмга яқин ўқув қуроллари топширилди.

Тадбирда имконияти чекланган ўқувчилар учун байрам дастурхони ёзилди. Кўзи ожиз ўқувчилар томонидан ижро этилган дилрабо қўшиқлар, эшитиш нуқсонига эга бўлган ўқувчиларнинг жозибали рақслари меҳмонларнинг ҳам, интернат тарбияланувчиларининг ҳам кўнглини шодликка тўлдирди. Айниқса, кар-соқов ўқувчилар томонидан она Ватан мадҳига айтилган шеърлар ҳеч бир инсонни тўлқинлантирмай қолмади. Байрам тадбирига ташриф буюрган меҳмонларнинг мақтаб-интернат тарбияланувчиларини табриклаб, уларга билдирган эзгу тиллақлари самимий эди.

Байрам тадбири ўқувчиларга олам-олам қувонч бағишлади.

К.ЖУСИПБЕКОВ,
Кармана туман прокурори

МЕХРДАН ЯШНАГАН
ШАХАРЧА

ча комиссиянинг юртбошимиз томонидан қўлаб-қувватланган ташаббуси билан ўтган йилнинг декабрь ойида Андижон шахри марказида барпо этилган "Болалар шахарчаси" бу олийҳиммат тамойилнинг ҳаётдаги амалий ифодасидир.

Шахарчада турли миллатга мансуб 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган 86 нафар бола 12 та оила шаклида тарбия олмоқда. Ҳар бир оила энг замонавий қўлайликларга эга бўлган алоҳида коттежга жойлашган. Ушбу маскандаги ота-она қарамидан махрум, аммо давлатимизнинг оталарча меҳридан баҳра олган болалар учун жорий йил бир умр эсда қоларли бўлди. Янги, муҳташам муҳит тарбияланувчиларнинг ўқиши, дунёқарашига жуда катта ижобий таъсир кўрсатди.

Биз бунга шахарчанинг педагоглари - "оналари" ва албатта унинг жажжи фуқаролари билан бўлган суҳбатларда қайта-қайта амин бўлиш мумкин.



қадам ранжида қилдилар. Айрим фуқаролар исмларини айтмасдан бегараз меҳр кўрсатиб кетаётганликларини ниятларининг эъгулигидан далолатлар. Вилоятимизда меҳмон бўлган бошқа мамлакат делегациялари, муассасага ташриф буюрган хорижий сиёсатшуносларнинг болаларга яратилган шароитдан олган таассуротлари ва ҳайратларини уларнинг шахарча меҳмонлари эсдалик китобига битилган қалб сўзларидан билиб олиш мумкин.

Яратилган шароит ҳар

чиш-тиқиш тўғаракларидан иборат аъло даражадаги ижодиёт базаси мавжуд. Машгулотлар вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан танлаб олинган етук мутахассислар томонидан олиб борилади.

Қисқа вақт мобайнида шахарча тарбияланувчилари вилоятда ўтказилаётган барча танловлар, мусобақалар, олимпиадалар ва байрам дастурларининг фаол иштирокчиларига айландилар. Шахарча бадий жамоасининг 12 кишидан иборат "Санъат гунчалари" гу-

Фаргона водийсидаги меҳрибонлик уйлари орасида минтақавий кўрик-танлов ўтказилди. Катнашчилар ўзларининг муассасалари фаолияти, ўз ютуқларига оид видеохоборотларини намоиш этдилар, болаларни тарбиялаш ва ижтимоий ҳимоялаш концепциялари ҳақида сўзлаб бердилар.

Кўрик танлов ҳакамлари биринчи ўринга Андижондаги "Болалар шахарчаси"ни муносиб деб топдилар. Ғолибга Тошкент шахрида ўтказилаётган финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Уйлаимизки, пойтахтимизда ўтказилаётган анжуманда ҳам давлатимиз меҳрига қулганган, ўз имкониятларини кўрсатиш учун барча замонавий шароитларга эга шахарча тарбияланувчилари ўзларини муносиб тарзда намоён этдилар.

Ш.УСМОНОВ,
Андижон вилоят
прокурорининг
катта ёрдамчиси

Ёшлар истикболи — ислохотлар меваси

2010 йил давлатимиз раҳбари томонидан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинди. Шу қарорнинг ўзидан ҳам Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакатимизда ёшларга, вояга етмаганларга нақадар катта эътибор берилётганлигига ғувоҳ бўлиш мумкин.

Айниқса, таълим йўналишидаги ислохотлар шунчалар таҳсинга сазоворки, юртимизда шаклланган таълим тизими дунёнинг ривожланган давлатлари таълим тизимидан қолшимаслиги ҳақонда танилган кўпгина мутахассислар томонидан тан олинган.

Албатта, келажак бу ёшлар, ўсиб-униб келаётган фарзандларимиздир. Уй қураётган инсон, аввало бу бошпана унга узоқ йиллар хизмат қилиши учун пойдеворини пишиқ, мустаҳкам қилишга уринади. Ёш авлод эса давлатнинг келажиги, унинг истикболи. Бугун уларга қай даражада эътибор берилса, келажакда бу ҳаракатларнинг меваси ҳам шунча ширин бўлади.

Тан олиш керак, айна вақтда мамлакатимиздаги умумтаълим ўрта мактаблари, коллеж ва олийгоҳларда ўқувчи ва талабаларга билим бериш даражаси ҳақон андозаларига тўлиқ жавоб беради. Улар ўртасида турли фанлар бўйича олимпиадалар, заковат ўйинлари мунтазам ўтказиб турилади. Булар тўғрисида қобилиятли ва иқтидорли ёшларни кашф этиш амалиётининг йўлга қўйилганлигини алоҳида эътироф этиш зарур.

Мен 2-Тошкент юридик коллежининг иккинчи босқич талабасиман.

Жорий йилнинг 3 декабрь кўни бизнинг коллежимизда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"



ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги "Ўзбекистон иқтидорли ёшларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифаларини бажариш, яъни иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, уларни қўлаб-қувватлаш, фан ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш ҳамда умумтаълим фанлардан ўтказилган халқаро олимпиадаларда иштирок этувчи Республика жамоаси аъзоларини танлаш мақсадида 3-босқич ўқувчилари ўртасида "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанидан олимпиада ўтказилди.

Мазкур олимпиада Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 1 майдаги қарорлари билан тасдиқланган ҳамда "Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари

ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисида"ги низоми асосида ишлаб чиқилган "Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиада босқичларини ўтказиш тартиби" бўйича амалга оширилади.

Фан олимпиадасининг 1-босқичи "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича фан олимпиадаларини ўтказиш бўйича тавсия ва баҳолаш мезонлари"га таянган ҳолда баҳоланади.

"Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанидан ўтказилган фан олимпиадасининг 1-босқичида биринчи ўринни эгалладим. Албатта, биринчи навбатда бу меннинг



ўқитувчи-устозларим ютуғи, улар меҳнатининг меваларидир.

Таъкидлаш жоизки, бундай тадбирлар республикамизнинг деярли барча таълим муассасаларида ўз йўналишлари бўйича ўтказилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан бу борда олиб борилаётган ислохотлар ўлароқ фан олимпиадалари ғолибларини рағбатлантириши масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, фан олимпиадаси ғолиби, ўз фани бўйича тегишли олийгоҳга тест синовларини топширмасдан, фақат сўхбат билан кириши мумкинлиги ана шундай имтиёزلардан бири, ҳолос. Бу эса иқтидорли билими билан фан олимпиадаларида ғалабани қўлга киритиб, тўғридан-тўғри институт ва университетлар ҳамда академияларга имтиёзли йўлланма олиш иштиёқида бўлган ёшлар сонини янада оширмоқда. Мен уларга фақат омад тилаб қоламан.

ШОХРУХ АБРОРОВ,
2-Тошкент юридик коллежи талабаси

ТЎЛАНМАЙДИГАН БЎЛДИМИ?

Мен яқинда касалликка чалиниб, икки ҳафта мобайнида даволанишимга тўғри келди. Ишга қайтганимда касаллик варақасини кадрлар бўлимига топшириб, ишлаган даврим учун қанча пул тўланади деб сўрасам, "ҳозирда бу қонда ўзгариб кетган, балким бу кунларингизга пул чиқмаслиги ҳам мумкин" дейишди. "Нега чиқмади, ахир мен ўзимча касал бўлмаганман-ку" десам, "қўриб чиқамиз" дейишди. Бу қанақаси бўлди? Охири марта бундан тўрт йил аввал шундай касал бўлиб, касаллик варақасини олиб келганимда пул тўлашганди-ку?!



Х.Зарипова,
Собир Раҳимов тумани

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври учун нафақалар ҳозирги кунда ҳам тўланади. Бироқ, уни тўлашда ҳодимнинг тоифаси, қандай касаллик билан касалланганлигига қараб вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик учун тўланган нафақанинг миқдори аниқланади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февраль кунги 71-сонли қарори-га мувофиқ:

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ҳодимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар учун - 18 ёш) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ҳодимларга, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ҳодимларга, Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасида эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари

(ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсма-лар билан боғлиқ касалликларга қалинган ҳодимларга, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ҳодимларга, шунингдек ҳолим ишда шикастланиш ва касб касалликлари оқибатида вақтин-чаллик меҳнат қобилиятини йўқот-ганда ойлик иш ҳақининг тўлиқ миқдорида;

ижтимоий аҳамиятга эга касал-ликлар бўйича ҳисобда турувчи ҳодимларга, улар томонидан дав-лат ижтимоий сугуртасига бадал-лар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб ой-лик иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизгача миқдорда;

қолган ҳолларда, улар томони-дан давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар тўлаб келиниши мул-датига (умумий иш стажига) қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоиздан 80 фоизгача миқдорда тўланади.

СТАЖГА КИРАДИМИ?

2008 йили сизларга ногирон фарзандни қараб турганлик даври стажга кириши ёки қирмаслиги тўғрисида хат йўлаб, унга жавоб олган эдим. Лекин ушбу жавобни йўқотиб қўйганлигим учун сизлардан яна бир бор ушбу саволимга жавоб беришни сўрайман.

Фарзандим ҳозир беш ўшда. Бундан уч йил аввал оғир касалликка чалиниб, асоратлари туфайли унга 1-гuruh ногиронлиги белгиланди. Шу пайтдан буён мунтазам равишда қараб туришга муҳтож. Фарзандимга қараб ўтирган даврларим меҳнат стажига қирадими?

Лобархон Тошевва,
Тошкент шаҳри

Киради. Лекин бунинг учун Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган "Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига кўра ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши даркор. Жумладан, 1 гуруҳ ногиронлиги ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани, шунингдек, 80 ёшга тўлган кекса кишини парвар-риш қилиш вақти қўйилган асосида аниқланади:

— парваришни амалга оширишнинг ҳақиқий ҳолатларини тек-шириш далолатномаси;

— ногиронликда бўлганлиқни (1 гуруҳ ногиронлари ва ногирон болалар учун), ёшни (кексалар ва ногирон болалар учун) тасдиқлов-чи ҳужжатлар.

Парваришни амалга оширишнинг ҳақиқий аҳволини текши-риш ижтимоий таъминот бўлими томонидан маҳалла, қишлоқ (ша-ҳарча), овул (уй-жой ташкилотлари) фуқаролар йиғинидан олин-ган маълумотлар, ногиронларнинг ўзлари ва уларнинг кўни-қўшнилари билан ўтказилган сўхбат асосида бажарилади.

Ногиронлиқни тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК)дан ўтганлиқни тасдиқловчи далолат-номалар кўчирма, тиббий ҳулоса, пенсия гувоҳномаси, нафақа олу-вчининг гувоҳномаси, ижтимоий таъминот бўлимининг маълумот-номаси ва бошқалар қабул қилиниши мумкин.

АЙБИМ НИМА?

1999 йили менга тўхтат қилиб, айб қўйишди ва шу туфайли иш-дан бўшатилдим. Суд ҳукмига кўра менга уч йилга озодликдан маҳ-рум қилиш жазоси белгиланиб, амнистияга кўра икки йилдан сал ошқироқ вақт ичида жазодан озод қилиндим. Лекин шунга қарамай, мени аввалги иш жойимга ишга олишмапти. Айбим йўқлиги ту-файли озод қилинган бўлсам, олдинги ишимга тикланишга ҳақли эмасманми?

Зоҳид Алимерганов,
Косонсой тумани

Агар суд томонидан белгилан-ган жазодан эълон қилинган амнистия актига кўра озод қилинган бўлсангиз, бу сиз-нинг айбсиз эканлигингизни билдирмайдми. Жазодан амни-стия актига кўра озод этиш ин-сонпарварлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, содир этилган қилмишнинг кечирилганини билдиради. Агар сиз бундан норози бўлсангиз, мазкур ҳолат юзасидан юқори турувчи орган-

га шикоят билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Иш масаласи эса, агар жино-ят иши бевосита иш фаолияти-гиздан келиб чиққан ҳолда қўз-ғатил, суднинг ҳукми ана шу асосда чиқарилган бўлса, сизга қўйилган айб юзасидан оқлов ҳукми чиқарилган тақдирдагина аввалги ишингизга тикланишин-гиз мумкин. Бунда ўтган вақт мо-байнидаги иш ҳақингиз тўлаб берилади.

ҚАЙТА ҚУРИШГА ҲАМ КРЕДИТ БОРМИ?

Ҳозирда Қишлоқ қурилиш банки томонидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун кредитлар берилаяпти. Биз ҳам ҳовлимиздаги эски уйлари бузиб, янгидан қурмоқчи эдик. Лекин бунга имкониятимиз йўқ. Шунинг учун ушбу кредитдан эски ҳовлини янгилаш учун фойда-ланса бўладими? Ёки бу кредитлар маълум жойларда қурилаётган уйлар учун тегишлими?

Умидахон Умарова,
Ўзбекистон тумани

Аҳолига уй-жой қуриш, уни реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ипотека кредити бе-риш тартиби Республика Вазир-лар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган "Уй-жой қурилиш-га, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида"ги Низом талаб-лари асосида амалга оширилмоқ-да. Бироқ, мазкур Низомнинг амал қилиш тасдиқланган наму-навий лойиҳалар бўйича яқка тар-тибда уй-жой қурилишга "Қишлоқ қурилиш банк" акция-дорлик тижорат банки томонидан ипотека кредити беришга табиқ эътиломи.

Шу боис бундай кредитни олиш мақсадида бошқа тижорат банкларига мурожаат этишнинг мақсадага мувофиқ. Ва мазкур Ни-зом талаблари асосида ипотека кредитини қўйидаги тартибда олишнинг мумкин:

— қурилаётган уй-жойни у жойлашган ер участкаси билан бирга;

— ипотека кредити ҳисобига сотиб олинганлиги ва белгиланган тартибда қарз олувчи мулкига ўта-диган яқка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартиралар уйдаги квар-тирани;

— қарз олувчининг мулки бўлган ва ипотека кредити ҳисо-бига реконструкция қилинаётган

яқка тартибдаги уй-жойни гаров-га қўйган ҳолда амалга оширила-ди.

Муомаладан чиқарилган ва бе-ғоналаштирилиши мумкин бўлмаган кўчмас мулк ипотека предмети бўлолмайди.

Ариза берувчи Жамгарнинг кредит линиялари, тижорат бан-ларининг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари ҳисобига ипо-тека кредити олиш учун:

— қуриладиган, сотиб олин-диган уй-жой ёки кўп квартира-ли уйдаги квартира қийматининг;

— уй-жойни реконструкция қилиш қийматининг камида 25 фоизи миқдордаги ўз маблағига эга бўлиши керак.

Ушбу маблағлар ариза берув-чининг номига банкда очилган жамгарма омонат ҳисоб рақамида миллий ёки чет эл валютасида мавжуд бўлиши, шунингдек қурилаётган уй-жой смета қийма-тининг ёки реконструкция қилиш қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ариза берув-чи томонидан ўз маблағлари ҳисобига сотиб олинган қурилиш материаллари тарзида бўлиши мумкин.

Ипотека кредити муддати ва ундан фойдаланганлик учун фойз ставкаси кредит ресурслари ман-бага боғлиқ ҳолда қўйилганча белгиланади:

1) Жамгарнинг имтиёзли

ҚИММАТГА ТУШГАН ТОПИЛМА

Яқинда қишлоғимизда бир воқеа бўлди. Менин яқин бир дўстим эртадаб ишга кетаётганида, автобус бекатида бир донга аёллар тилаб узушини топиб олади. Ён-атрофда ҳеч қим бўлмаганлиги ва унинг қим-ниқлигини билмаганлиги учун уни чўнтагига солиб, ўзи билан бир неча кун эгаси чиқиб қолар деб олиб юради.

Қуларнинг бирди ана шу бекатда бир аёл ён-атрофдагилардан: "Мабоодо, узук топиб олмадингларми," — деб сўрайди. Шунда дўстим: "Мен топиб олганман," — дея уни кўрсатади. Аёл дастлаб дўстим-нинг отини сўраб, кейин раҳмат айтиб кетади. Лекин икки кундан сўнг уни шу ҳудуд милиция нозир қачқиртириб, йўқотилган буюмини яширгансан, деб жавобгарликка тортмоқчи бўлиб анча овора қилди. Топилган буюмини эгасига қайтарган бўлса, бунинг учун яна жавобгар қилиш мумкинми?

Эминжон Шукуров,
Навоий шаҳри

Йўқотилган буюмини топиб олган шахсни жавобгарликка тортиш учун сабаб ва қонуний асос бўлиши зарур. Биринчидан, топиб олин-ган ёки тасодифан қўлга тушиб қолган бундай буюмининг қиймати энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлиши, иккинчидан эса, ўзганинг мол-мулкни топиб олган шахс уни яширган тақдир-да, яъни унда гаразғўйлик мақсадининг бўлиши зарур.

Ушбу жиҳатлар тасдиқлангандагина, бундай қилмуш энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваргача миқдорда маъмурий тар-тибда жарима солишга сабаб бўлади.

"Агар қонун ёки шартномада зарарни кам-роқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказил-ган зарарнинг тўла қоплангани талаб қили-ши мумкин.

Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомала-си шартномада олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.


Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўлашнинг талаб қилишга ҳақли".

(Фуқаролик кодексининг 14-моддаси)

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Улар-га тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки (8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Учтепа туманида ўтказилган тадбирда, фуқаро А.Шерматов хорижда ишлаб чиқарилган 2 турдаги "Салют" пиротехника воситаларини ноқонуний равишда 300 АҚШ доллари сўраётган вақтида ушланган, ундан жами 1,2 млн.сўмлик пиротехника воситалари, нақд пуллар ашёвий далил сифатида олинди.

Гулистон шаҳридаги "Деҳқон бозори"да фуқаро Б.Абдуллаев белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний равишда 1,2 млн.сўмлик пиротехника воситалари билан савдо қилаётганида ушланди.

Шайхонтохур туманидаги "Эски Жува" деҳқон бозори ҳудудида ўтказилган тадбирда, фуқаро Б.Хайитбоевнинг ноқонуний равишда 600 минг сўмлик 641 дона пиротехника воситалари билан савдо қилаётганлиги аниқланиб, пиротехника воситалари ашёвий далил сифатида олинди.

Таҳлил ва кузатишлар пиротехника воситалари қўшни республикалардан

Байрам кўнгилдагидек ўтсин

контрабанда йўли билан кириб келаётганлигини ва турли рухсат этилмаган жойларда унинг савдоси билан асосан аёллар ва болалар шуғулланаётганлигини кўрсатмоқда. Чунотчи, Миробод туманидаги "Миробод деҳқон бозори" ҳудудида ўтказилган тадбирда фуқаро Ш.Амонходжаевнинг ноқонуний равишда пиротехника воситалари билан савдо қилаётганлиги аниқланиб, ундан 400 минг сўмлик пиротехника воситалари олиб қўйилди. Тадбир давомида, фуқаро Ш.Амонходжаева пиротехника воситаларини фуқаро М.Сайдуллаевдан олганлигини билдирган. Фуқаро М.Сайдуллаевага қарашли савдо растаси қўздан кечирилганда у ерда 11970 Россия рубли, 420 АҚШ доллари ва 19,4 млн. сўм нақд пуллар сақланаётганлиги аниқланган. Худди шундай, Департаментнинг Поп туман бўлими ва туман ИИБ ходимлари ҳамкорликда "Кўштепа" ИПХ масканида ўтказилган тадбирда фуқаро З.Маматжонев бошқарувидаги "Нексия" русумли автомашинада йўловчи фуқаро Х.Омонова 50 минг сўмлик турли хилдаги пиротехника воситаларини Кўкөн шаҳрида сотиш мақсадида олиб кетаётганида ушланган. Департаментнинг Каттакўрғон шаҳар бўлими, шаҳар ДСИ ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда Каттакўрғон шаҳар "Деҳқон бозори"да ўтказилган тадбирда фуқаро М.Камоловадан 300 минг сўмлик пиротехника воситалари далилий ашё сифатида олинган. Ана энди бир мушоҳада қилиб кўринг, фарзанди учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган оналарнинг ўзлари ана шундай кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқарувчи воситалар билан ўзлари савдо қилишса. Бу нарсасдан дилбаландлари зарар кўрса, буни қандай баҳолаш мумкин. Бошқалар бахтсизлигининг эвазига топилган бойликда қут-баракка бўлармикан?

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, контрабанда йўли билан олиб келинган пиротехника воситалари фуқаролар томонидан асосан ўз уйларида сақланиб, ён-атрофдаги қўшнилар учун маълум хавф-хатар туғдириши табиийдир. Жумладан, Ҳазорасп туманида фуқаро Р.Матиязовдан 480 дона пиротехника воситалари далилий ашё сифатида олинган. Тадбир давомида фуқаро Р.Матиязов жами 2,5 млн. сўмлик 8 та қопга жойланган 256,8 минг қут "Петарда" номли пиротехника воситаларини сотиш мақсадида фуқаро Э.Абдуллаевнинг уйида сақлаётганлиги аниқланиб, улар далилий ашё сифатида олинган.

Бекобод туманидаги Хос ширкат кўчалигида яшовчи фуқаро Жасурбек Деҳқоновнинг ноқонуний хатти-ҳаракатида Департаментнинг Бекобод шаҳар бўлими томонидан ўтказилган рейд тадбирида чек қўйилди. У белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан Бекобод шаҳар ўзбекистон кўчасида жойлашган "Мул-ла Доно" МЧЖга қарашли оморхонани ижарага олиб, Қирғизистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 720 минг сўмлик 180 қут пиротехника воситаларини, хорижда ишлаб чиқарилган, ўзбекистон Республикаси акция марказлари елимланмаган 830 қут тамаки маҳсулотларини савдога чиқарганлиги аниқланиб, умумий қиймати 2 млн. 140 минг сўмлик маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди.

Пиротехника воситаларини четдан ноқонуний олиб келиш ҳолатига барҳам бериш борасида тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида ўтказилган рейд тадбир давомида Яккасарой тумани, "Жанубий вокзал" бекатида фуқаро Ж.Жулаев ва А.Унгалчаевнинг ноқонуний равишда пиротехника воситаларини сотиш мақсадида олиб кетаётганлигида ушланиб, улардан жами 2,6 млн.сўмлик 1620 дона пиротехника воситалари олиб қўйилган.

Бундай жиноятлардан яна бири Юносувот туманининг "Уч қаҳрамон" ИПХ масканида ўтказилган тадбирда фойс этилди. Фуқаро Ф.Исламов ва А.Соби-ровлар 940 минг сўмлик 470 дона пиротехника воситаларини сотиш мақса-дида олиб кетаётганлигида ушланган. Айни пайтда кўнгилсиз ҳолатларнинг юзга келишига сабабчи бўлиши мумкин бўлган қонунбузарлар устидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Янги йил баҳонаси билан мўйай даромад ишлаб олиш илнжида бозорларда, турли таққиланган жойларда қонунга хилоф равишда пиротехника воситалари билан савдо қилаётган кимсаларнинг хатти-ҳаракатларида чек қўйиш мақсадида Департаментнинг барча бошқармалари томонидан ишлаб чиқилган режайи тадбирлар уюштирилмоқда. Унга асосан махсус сертификати бўлмаган пиротехника маҳсулотларининг республика ҳудудида кириб келиши, сақланиши, сотилишининг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирлар ўтказилмоқда ҳамда кенг қамровли тушунтириш ишлари, тарғибот ва ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Агарда юқоридаги мисоллар орқали аниқланиб йўқ қилинган маҳсулотлар қўзданган манзилга етказилганда, қўлаб янчили ҳолатларни келтириб чиқариши тайин эди. Шу ўринда яна бир гап. Кўнгилсиз ҳодисалар фақатгина пиротехника воситалари орқали эмас, балки хонадонларда, ташкилотларда ясалган арчалар атрофида ўтказилаётган мушакбозликлардан ҳам келиб чиқиши мумкин. Чунки, айрим ота-оналар фарзандларининг кўнгилларига қараб ясалган арчалар атрофида турли мушакбозлик уйинларини ўтказдилар. Айримлар учун хурсандчилик манбаи бўлган ушбу ҳолатлар ёнғинини, кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқариб, қанчалдан-қанча оилалар бошига гам-ташвиш келтиради. Бизнинг ниятимиз оғох этилди. Энг муҳими, янги-йилни барчамиз яхши умидлар, эзгу мақсадлар билан қарши олайлик. Байрамни кўнгилдагидек ўтказиш, қанчалдан-қанча оилалар бошига ташвиш келтириши мумкин бўлган турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун эса нафақат Департамент ходимлари, балки барча юртошларимиз кўлни қўлга бериб ҳаракат қилишлари шарт.

Гулчехра РАЗЗОКОВА,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК Департаменти матбуот гуруҳи бош инспектори

Бой бўлиш истаги бизга шу қадар яқин ва шу қадар қадрдонки, баъзан бу тилак одамзодга қондошимкин, деб қоласан киши. Бизни бутун умр давомида ҳаракат-лангирувчи, сарсон-саргардонликка, изтиробга солади-ган ва ниҳоят қабригача кузатиб борадиган бошқа бир куч ва истак бармикан. Одамзод учун пул қадар яқин ва пул қадар узоқ ана нима бор бу ёруғ оламда...

Чингиз Айтматовнинг "Пул зарб қилинган озолиқдир!" деган гапи бор. Пулнинг сеҳри кучи энг улғу истагимиз ОЗОД-ЛИК қадар эканини эътироф этади буюклар. Дарҳақиқат, одамзод учун энг буюк неъмат озолиқдир. Озолиқка эришиш катта ҳуқуқни қўлга киритиш дегани. Биз шу ҳуқуқ ту-файли истаklarимизни эркин амалга ошириш имкониятига эришамиз. Улуғларнинг эъти-рофица, эркинликка эришиш-нинг энг катта воситаси пул бўлар экан, унинг тенгсиз қуд-ратини тан олишга мажбур бўламиз.

Оталар дуога қўл очганида "Сулаймоннинг давлатини бер-син!" дейишди. Албатта, Сулай-моннинг давлатига эришиш учун киши камида Сулай-мондай бўлиши керак. Шу маъ-нодаки, катта давлатга эга бўлиш учун қадар эҳтиёж зарур. Қолаверса, давлат дегани фақат қопга солинган пулдан иборат бўлмай, элнинг эътибори ҳамда юксак маънавият билан омултанган сармоядир. Назар-ида, инсонийлик миссияси-ни-амалга оширишимиз учун кундалик ҳаётимизни жиҳдий танқислигу узилишларсиз ўт-казишимиз ўзи киёф. Шунга қарамадан, кундалик эҳтиё-жимиздан зиёд, ортиқча ҳою ҳавас илнжида бойлик изидан қувиб, бебаҳо ҳаётимиз қадри-ни сариқ қақага айлантирамиз. Оқибатда, бир умр ушлалмас истакларимиз исканжасида қолиб кетишга мажбур бўламиз.

Эл ичида "пул қўлнинг кири" деган ибора юради. Пул-нинг қўлнимизга нисбат бу. Чўнтакдаги маблағи ўз ўрни-да ҳамда зарур микдорда иш-латиш уни топишдан кўра кўпроқ устамонлик, машаққат ва маҳорат талаб қилади.

Иқтисодий қийинчиликка дучор бўлган киши борки, ав-вало, ҳаракатларини қисқарти-риш ҳаракатига тушади. Арзон-нинг шўрваси татмасида, тана эҳтиёжлари учун зарур нарсаларни арзонроғидан бўлса-да харид қилганимиз, аммо руҳияти-миз озукларни эътиборсиз қола-верди. Ҳаракатдаги чегирма ва чекловларни аввало маънавия-тимиз юксалишига хизмат қилувчи китоб харид қилиш, кино, театрда бориш ёки бошқа тадбирлар ҳаракатларини кес-кин қамайтиришдан бошлай-миз. Маънавий эҳтиёжлар хари-ди мудом рўйхатнинг сўнгига тиркалади ёки умуман тушиб қолади.

Дунё бойлари рўйхатини кузатадиган бўлсак, улар ўз сар-мояларини турли йўллар билан қўлга киритганига амин бўла-миз. Аксарияти авлоддан авлод-га ўтиб келаётган бўлса, баъ-зилар ўз ақлий салоҳияти ту-файли қисқа муддатда катта сар-мояни бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган. Лекин уларни бирлаштириб турувчи бир ум-вий ҳусусият борки, у ҳам бўлса - юксак маънавият туфай-ли шақланган метин интизом-дир.

Дунё бойларининг ким ошди савдоларидаги харидлари қўчлиқликнинг ҳайратини кўз-га қалади. Улар ҳам баъзан ким ўзига пойга бойлашади. Улар-га мумкин. Аксарият ҳолларда бу ҳам бирон манфаат юзаси-дан амалга оширилди. Ўзини намойиш қилиш, бойларнинг тантиси эканини таъкидлаш

ЧўНТАҚДАГИ "ОЛАБЎЖИ"

ёки юксак маънавиятли мада-ният ҳомийси "образини" яра-тиш мақсадида. Уларнинг иқти-содий имконияти шунга имкон беради. Афсуски, миллиардеру миллионер бўлмасакда, пулни ҳавога соғуришда фаол бўлиб кетамиз. Ўз ҳошимиз билан йиллар давомида йиққан сар-моямиздан бир кунда айриламиз.

Туй маросимини тантанали нишонлаш, унга дабдаба бе-риш юртимизда анъана тусини олган. Бир кунлик тадбир учун бир йиллик кундалик эҳтиёж-мизга, таъминотимизга стади-ган сармояни ўз ихтиёримиз билан бой берамиз. Эвазига бир неча ёру биродарнинг "одамлар тўйинини мақташайпти" деган гапи билан таскин топамиз. Фа-лон миллион сарфлаб доллор хонанданинг фонограммасини тинглаймиз. Ориятсизларча му-қом қилаётган раққосага иш-шайиб ҳафталик харажатга ет-гулик пулни қистириб юбора-миз...

Афсуски, эртасиёқ содир қилган ҳаракатимизнинг оқи-батини англаймиз. Чўнтагимиз-да эсаётган шамол эпкинлари-дан хушёр тортиб, ана пул қувий пойгасини бошлаймиз. Бойликка интилиш ва унинг сарфидидаги бетартиблик оқибат-да шахсий ҳаётимиз ҳам издан чиқади. Аксарият ҳолларда, бойликка ўчлик ҳисси жиноят қўчасига етаклайди. Гарчи Жи-ноят кодексининг атиги бир бўлими "Иқтисодий соҳасида-ги жиноятлар" деб аталса-да, деярли барча бўлим, боб ва моддаларда кўрсатилган қил-мишлар бирон молиявий ман-бага эришиш, иқтисодий ман-фаатдорлик илнжида содир этилади, десак муболага бўлмас.

Ҳуқуқий соҳада қалам теб-ратувчи журналист сифатида кўплаб жиноят қўчасига кирган шахсларнинг жиний қилмиш-лари тафсилотларини ўрганиш-га тўғри келган. Нимага шу жи-ноятга қўл урдингиз, деган са-волимга аксарият ҳолларда "иқтисодий қийинчилик ту-файли" деган жавобни бериша-ди. Иқтисодий қийинчилик де-гани, фарзандини тарбиялаш, коммунал тўловларни тўлаш ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотидаги узилишлар эмас, балки айни шахсининг нафс эҳтиёжларини англади. Мен фарзандига ўқув қуроли ёки кийим-кечак сотиб олиш учун жиноят содир этган шах-сини учратмаганман...

Кейинги пайтларда яқин хориж мамлакатларида ишлаш урф бўлаяпти. Хорижда ишлаб юртимизга қаттиқ валюта би-лан қайтиш жуда яхши. Бундан барчамиз бирек манфаатдор-миз. Аммо ҳар бир ишда бўла-ни каби бу ерда ҳам меъёри-ни унутиб қўйиш ёмон оқибатлар-га олиб келади.

Бир танишим бор, деярли олти йилдан буён хорижга қат-наб ишлайди. Кунлар исий бошлаши билан йўлга чиқиб, кеч қузда қайтиб келади. Ҳар ой белгиланган ва яхшигина сум-мани банк орқали жўнатиб ту-

ради. Олдинига ишсиз қолгани учун тирикчилик илнжида кетган эди. Бир неча йил да-вомида ишлаб, рўзгорини бутла-ди. Машина сотиб олди. Фар-зандлари ҳали ёш бўлса-да, ша-ҳарнинг эътиборли жойидан "дом" соҳиб бўлди. Машина-

сида йилига бир-икки ой юра-ди, холос. "Дом" эса, кишин-ёзин хувилаган...

Мени масаланинг бошқа жиҳати ўйлантиради. У бир неча йил ишлагач, аёлини ҳам олиб кетди. Икки киши ишласа, кўпроқ беришар экан. Икки нафар фарзандини укаси қара-моғида қолдирди. Уларнинг таъ-миноти ва тарбияси учун ойи-га белгиланган суммани жўна-тиб турибди. Фарзандлари ота-она меҳрини пул тимсолида кўра бошлашди. Олдинига яқинларини кутган укаси ва фарзандлари эндиликда ойнинг охири санаси - пул келадиган кунни кутишга одатланиб ке-тишди.

Яқинда ишдан қайтиб кел-ган танишим нолиб қолди. Эмишки, фарзандлари ундан кўра укасининг райига кўпроқ қарашармикан. Кунбўйи уйга келмасдан, кўча-қўйда санги-шаркан. Сўбатларини фақат ўли-нини пул сўрашидан иборат бўлармикан. Мен улар учун иш-лабман-ку, дейди танишим. Меҳр қўзда экани-ю, бола тар-бияси, умуман, ҳаёт пул то-пиши йўлидаги хатти-ҳаракатлар жамланмасидан иборат бўлмас-лигини англамаган танишим, эканини ўраётганини тан олишни истамаётгани...

Кўшнимнинг фарзанди ка-сал бўлиб, пулга зорикқанда танишдан қарз олган экан. Ке-лишлган муддатда пулни қай-тара олмагач, ундан фоиз та-лаб қилибди. Бир неча ой фоиз тўлаб, кейин барча пулни қай-тарган. Шу билан орасидаги борди-келиди ҳам барҳам топди. Бу воқеани яхшигина хотима топан дейиш мумкин. Сабаби, кейинги пайтларда фоизга пул бериш ёки олиш ҳаракатлари ёмон оқибатларга олиб келаяп-ти. Ўзаро келишув асосида бош-ланган ҳаракат оқибатда жино-ий қилмиш билан яқун топа-япти.

Назаримда, бу ўринда фо-изга пул олган ҳам, берган ҳам ноҳақ. Назаримда, қонунчи-ликда жисмоний шахсларнинг фоизга пул бериши белгилан-маган. Шундай экан, бу ҳолат-га муносиб ҳақ бериб, жис-моний шахсларнинг олди-бер-дисини қонунлаштириш ёки қонунга зид ҳаракат сифатида эътироф этиб, жавобгарлик ма-саласини ҳал қилиш керак. Ҳар ҳолда, мавжуд тартиб-қоида асосида солиқ тўламадан, те-гини рухсатнома ёки лицен-зиясиз фойда олишга инти-лишни нормал ҳолат деб баҳо-лаб бўлмас...

Хулоса шуки, пул бизни эмас, биз пулни бошқариши-миз керак. Бунинг учун мол-дунёга нисбатан бўлган ҳисси-мизни, истаklarимизни жи-ловлашимиз зарур бўлади. Ана шундангина чўнтагимиздаги пул "олабўжи"га эмас, балки ҳаёти-миз мазмунига ҳамда бир ма-ромда кечиши учун хизмат қилувчи олддиги нафсига айланади. Шундай эмасми?

Чўнтагингизда нима бор?

Уллу БОБОЕВ,

журналист

Сабр ва қаноат. Аксарият вақтларда бу икки сўз кетма-кет қўлланилади. Аммо нақл қилинишича, улар бир маънони англатувчи маънодош сўзлар эмас экан. Сабр — ифбатта хос хислат бўлиб, нафсоний қувватларни жийовлаш бўлиб, бардош ёки чидам дейилганда ҳам сабр аниқлашдиран экан. Шунингдек, ҳавойи нафс хоҳлаб турган гуноҳларни қилмаслик ҳам сабрнинг бир кўринишидир. Қаноат эса еб-ичмоқ ва кийинмоқнинг бориға рози бўлиб, имкон ва зарурат даражасидан ортиғини талаб қилмаслик ҳисобланар экан.

Шундай экан, ана шу икки иборанинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида ҳеч ўйлаб кўрган-мисиз? Юриш-туришда, истақ-хоҳишда, бой-лиг-у камбағалликда, бориғки муҳаббат бобида ҳам уларнинг ўрни қанчалик эканлигини билмисизми? Баъзан кўнгил амрига қулоқ солиб, ҳаддимиздан олиб кетамиз-у, сабр ва қаноатни унутамиз. Шундай пайтларда ўз қилмишларимизни шайтон бўйига оқлаймиз, кўямиз. Ўйламаймизки, шайтон бор-йўғи васвасага содувчи, холос. Қилаётган қилмишларимиз эса сабрсизлигимиз ва қаноатсизлигимиз оқибатидир.

Садо-сотик билан шуғулланишнинг ўзига яраша тағшити бор. Қўлингизда доимо пул бўлишдан ташқари, турли-туман одамларни кўрасан, ҳамсуҳбат бўласан. Улар билан андларом бўлиб, кунинг қандай кеч бўлганини билмай ҳам қоласан. Малоҳат (исм-фамилиялар ўзгартирилди) табиятан қўнук, ҳушчақчақлиги боис дўконига кирган-чиққанлар билан зумда инोकшилик кетади. Аммо ўша кунни эрталабдан унинг кайфияти бўлмади. Кўнгли нимагадир гаш бўлиб, харидорларга ҳам зўра жавоб берди. Тушликдан сўнг дўконга башанг кийинган икки йигит кириб келди. Йигитларнинг бирита куртка керак экан, ҳали унисини кийиб кўрди, ҳали буни-сини. Мол танлаш баробарида ўзининг гапга усталлигини "намойиш" қила олди. Икки-уч оғиз гап билан Малоҳатни лол қилди, қўйди. Унинг ҳазиллари эрталабдан бери аёлининг юрагини сиқиб турган гашликдан асар ҳам қолдирмади. Аксига олди йигитга ёқадиган куртка ҳам топилмади. "Ўзи сенга унча-бунча нарсаси ёқмайди" деб оғайини унга бошқа дўконларга ҳам кириб кўришни таклиф қилди. Аммо, харидор йигит сотувчи аёл билан яна ҳамсуҳбат бўлишга баҳона излай бошлади. Унинг оғайини "Унда мен кетдим", дея чиқиб кетди.

Аёл билан эркак ёлғиз қолганда шайтон дарҳол орага суқилади деб бежиз айтилган. Шайтон шу заҳоти ишга киришди. У йигит билан аёлининг кўнгил торларини черта бошлади...

— Бўлмаса, телефон рақамларимизни алмашиб олайлик, — дея таклиф қилди Малоҳат кулгидан қай ёшларини артар экан. — Йигит моллар келиши билан сизга хабар қиламан. Аммо, жудаям гапга уста экансиз. Кулавериб, маза қилдим.

— Бормисиз, опа?! Гап йўқ. Бўлмаса, мен кўнгиригинизни ку-

спиртли ичимлик ичганда, кўп ҳолларда ақл ўрини жайт, меҳр ўрини қаҳр эгаллайди. Маст одам — жаҳолат қўлигади асир. Ичкиликка муккасидан кетиб сурбетлик, шилқимлик каби иллатларни ўзига ошно қилган кимса жаҳолат ботқоғига ўз оёғи билан кириб боради. Ҳамма балонинг боши ичкиликка эканини англаб етганда эса, кеч бўлади. Ароқ шайтон суви деб бежиз айтилмайди.

Қўйида ичкилик туфайли содир этилган бир жиноят баёнини эйтибoringизга ҳавола этмоқдамиз. Мақсад воқеадан хабардор қилишгина эмас, фикр-мулоҳаза, маслаҳатларингизни эшитиш ҳамдир. Балки атрофингизда ҳам ичкиликка ружу қўйганлар бордир. Сизнингча, уларга қандай йўл кўрсатмоқ, қай йўсунда ёрдам бермоқ керак? Ичкилик сабаб уқраб турадиган кўнгилсиз ҳодисалар ва жиноятларнинг олдин олиш учун ўзингиз билан, кўрган-кечирган ибратомуз ҳаёт сабоқларингизни дариг тутманг. Ичкилик домига тушиб қолган ва алашганларга тўғри йўлни топишда кўмаклашганидан умидвормиз, азиз мухлис!

Рустам (исм-фамилиялар ўзгартирилди) икки-уч бетайин билан ошно бўлди-ю, уйга кайф бўлиб келадиган одат чикади. Унинг кўчадан оёқлари чалишиб, девор ушлаб кириб келатганини кўрган заҳоти хотинининг кўзига дунё тор бўлиб кетарди: "Яна қасрдан пул топиб ичкисини? Жанжал кўтармасайди! Ишқилиди... Ароқ кўйиб берганини ҳам бети курсин!" Рустам ҳушёр пайтда акалари насихат қилиб, тўғри йўлга солишга ури-

таман. "Вкус"имни билиб олдингиз-а? Менга ёқадиган куртка келиши билан тегиндор қиласиз.

Улар эски танишлардек хайрлашибди. Малоҳат ширин хазиллар оғушида қолди. "Аммо, жудаям келишган, кўркамгина йигит экан. Гап-сўзларини айтмасизми? Айниқса, жилмайиши... Вой-й, тава, нималарни уйлапман ўзи? Ойлам, болаларим бўлса... Худойим, ўзинг кечир. Тава қилдим". Бироқ, у йигитни эсламасликка қанча уринмасин, аллақачон шайтонга бўйсунган кўнглига амр қилмоқда...

Орадан кўнлар ўтди. Дўконга янги моллар келиши билан Малоҳат таниш харидорлар қатори Собирга ҳам кўнгирик қилди. Собир кўнгирик учун миннатдорчилик билдириб, учрашишни таклиф қилган эди. Малоҳат узоқ ўйлаб ўтирмай дарров рози бўла қолди.

Улар "Чорсу" бозорининг ёнида учрашди. Гарчи Малоҳат бу кун келишини аллақандай ички иштиқ билан кутган бўлса-да, айтилган жойга яқинлашган кўнгли гашла-ниб, келганига пушаймон бўла бошлади. "Ахир, оқлали бўлса! Худо кўрсатмасин, биров кўриб қолса-чи? Собирга кўринмасдан оқса-чи қайтиб кетмоқчи бўли. Йўқ, улгурмади. Шайтон дарҳол унинг қўлголига пичирлай бошлади: "Эсинг жойидими ўзи, қайёққа кетмоқчисан. Ахир шундоқ йигит сенга ҳуштор бўлади-ю ноз қилишинга бало борми? Уйим, бола-чақам, танишларим дейсан. Биров билан бировнинг иши йўқ ҳозирги пайтда сен кимни қизиктирдиринг. Уларнинг ҳаммаси ўз ташвиши билан юрибди. "Давринг келди, сур бегим" деган-

ниб кўришди. Лекин уларнинг гапи Рустамнинг у қўлголидан кириб, бунисидан чиқиб кетавдир. Бошқаларнинг ақл ўргатиши унга ёқмасди.

— Бу қанақа турмуш? — зорлибди йигиларди хотини. — Унча боланинг ташвишини зўра кўтараялман. Қачон ичинини ташлайсиз?

Агар гуноҳ махфий қилмаса, фақат гуноҳкорнинг ўзи зарарланади.

Аммо ошқора қилинса-ю, у қилмалар томонидан тўхтамилмасе зарари ҳаммага бўлади.

(Ҳадисдан)

ЖАҲОЛАТ БАНДИЛАРИ



Рустам ичиб келган кўни болаларнинг ҳам тинчлиги йўқоларди. Отаси ҳуморидан чиққунча бақириб-чақириб, идиш-товуқ отиб то тинчигушча болаларнинг ҳам юраги такапука! "Тезроқ ухлаб қолсайдилар..."

Рустам ҳам Рустамнинг уфатларидан. Қамқондан қайтганига кўп бўлгани йўқ. Бирор ишининг бошини тутишга бўйни ер бермайди. У олатдагидек шу кўни ҳам тушга ақин кўчага йўл олди. Икки-уч соат айлан-

жирқанч режасини амалга оширишга тайёргарлик кўриб қўйганди.. Шайтон йўлига кирган йигит ўзининг тузган режаси орқали анчагина даромад қилиб олиши мумкинлигидан қўвониб, Малоҳатга кетма-кет кўнгирик қилди.

Жавоб бўлмагач, эридан чўчиётганлигидан хазилда бошқа йўл қилдири. Ўйлай-ўйлай, "Опа, ма-шинангизни кели-шилган нархда сотиб олмоқчиман. Собир" деган мазмунда СМС юборди. Кўп ўтмай Малоҳатнинг ўзи кўнгирик қилиб қолди. Собир

Ахйир, бир кўни Малоҳат пулларини олиши мумкинлигини айтиб, кўнгирик қилди. Нафс йўлида шайтон васвасига тушган Собир дарҳол йўловчи машинани тўхтатиб, у билан обдон гаплашди. Ҳайдовчи Собирнинг буюртмасига кўра Малоҳатни олиб келиши керак эди.

— Ҳозир олдингизга менга қарашли одам бораси. Ўша машинада олдимга келинг! Ҳа, айтмоқчи йўл ҳақини ҳам тўлаб қўясиз... — Собир безбетларча шу гапларни айтиб, Малоҳатга кўнгирик қилиб қўйди. Машина жойидан жилғач, ўзи ҳам унинг ортидан изма-из борди. Машина айтилган ерда тўхтаган, Малоҳат ёнида яна бир аёл билан машина ёнига келди. Аммо унга ўтирмади. Бундан ҳуноби ошган Собир дарҳол ҳайдовчига кўнгирик қилди. Ҳайдовчидан аёл машинага чиқибни ҳоҳламаётганини эшитгач, баттар туюқли бўлиб кетди. Уларнинг олдида бостириб боришини ҳам ўйлади-ю, ўзини босди. Кейин ҳайдовчидан телефонни аёлга бериш-

нинг овозини эшитганидан хурсанд эканлигини билдириб, иложи бўлса учрашишни таклиф қилди. Аёлдан розилик олгач, тезда режасини амалга оширишга киришди. Биринчи галда уйига бориб, видеога ҳам оладиган фотоаппаратини олди. Малоҳат билан учрашгач, уни олдиндан тайёрлаб қўйилган кваттирга бошлаб келди-да, уни бирпас кутиб туришини айтиб, ўзи тепага чиқиб кетди. Кваттирга киргач, шкафнинг устига фотоаппаратини ўрнатиб, балкондан туриб Малоҳатни қақирди...

Хуллас, воқеа барча тафсилотлари билан камерага муҳрланди. Собир уйига қайтиб, жараяни аппаратдан дискамга кўчириб олди. Бир вақтлар куртка баҳона танишган, кўнгиликхушлик дамларни бирга ўтказган аёлга бугун ўзининг қаққиқ башарасини кўрсатаётган йигит бир парча қорғога "Дискни кўринг. Агар буларни биров кўришини хоҳламасангиз, 20 минг доллар тайёрлаб қўйинг" деган сўзларни ёзиб, Малоҳатнинг олдида йўл олди. Унга қўйидаги нарсаларни бергач, индамай оқсага қайтди. Эртасига кутилганидек, Малоҳат телефон қилди.

— Дискни кўрдингизми? Қалай?

— ...

— Ҳўш, шартимга розимисиз?

— Ҳа... — Малоҳатнинг овози зўра чиқди.

Иш бароридан келатганидан Собир хурсанд бўлди. Шундай бўлса-да тез-тез Малоҳатга кўнгирик қилиб, шартни эслабди турар, ҳатто уни ҳеч кимга хабар қилмаслик ҳақида оғоҳлантиришини ҳам унутинг нафси йўлида хазилга келган

ни иттимос қилди. Малоҳат телефонни олиши билан ундан нимага машинага ўтиришни хоҳламаётганини сўраган эди, у шунча пул билан бегона машинага ўтирмайман деб жавоб берди. Шундан кейин Собир ҳайдовчидан уэр сўраб, йўл пулини ўзи тўлашини, шунинг учун айтилган жойга келишини тайинлади. Машина кетган, ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилиб, яна Малоҳатга кўнгирик қилди:

— Ўв, машинага чиқмадинг, майли, аммо нима учун "дум" эргаштириб юрибсан? Ёнингизда аёлга тез жавоб бериб юбор.

— Ие, шунча пулни бир ўзим олиб юрмаялман-ку! Қўрқаман. Сиз ундан кўра тезроқ келиб пулни олиб кетсангиз-чи!

Собир ночор рози бўлди ва Малоҳатга қайси томонга юриш кераклигини айтиб, ўзи уни анчагага кузатиб турди. Ҳеч ким йўлқўлига амин бўлгач, яна Малоҳатга кўнгирик қилди ва ўзи ўтирган машинанинг таърифини айтиб, шу ерга келишини тайинлади. Малоҳат билан шерити унинг ёнига келиб, пуллари машинага қўйишди. Собир пуллари кўрган, ватыга вафқ қилди. Малоҳатга дискнинг асл нусхасини берди. Малоҳат дискни олгач, уни гап билан чалтиқмоқчи эди, Собир бундан шўбақиланди қолди. У шовчил бўлиб, энди машинага ўтирган ҳам эди, атрофларини тезкор ҳодимлар ураб олишди...

Дармонжон СОБИРОВА,

Шайхонтоҳур туман прокурорининг

катта ёрдамчиси

Мамюра ДУСИЯРОВА,

"Huquq" мухбири

қон кетаётганини кўрган Азиз тез тиббий ёрдам қақирди. Аммо бу ёрдам бермади. Кўп ўтмай Рустамнинг жони узилди.

Ушбу қотиликни содир этган Рўздат Ниёзов 34 ёшгача беш марта жиноий жавобгарликка тортилган. Ҳар бир суднинг ҳукми бўйича тайинланган жазони ўтаб чиққач, қонунга асосан султанганлик ҳолати туғалланмай, яна жиноят содир қилган. Икки марта эса оғир турдаги жиноятлари учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, уни ўтаб чиққан бўлсада, яна жиноятга қўл урди.

Суд ушбу жиноят ишини ҳар томонлама ўрганиб, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни эътиборга олиб, жазодан қўзғалган мақсадга энгилроқ жазо чораларини қўллаш орқали эришиб бўлмайди, деган қатъий ҳулосага келди.

Рўздат Ниёзов шартли равишда озод қилинган бўлишига қарамай, яна янги жиноят содир этгани учун, суд ўталмай қолган жазо муддатини ҳам қисман қўйиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ва уни "ўта ҳафти редиштивни" деб топиб, жазони махсус режими колонияларга ўташга ҳукм қилди. Шунингдек, унга нисбатан сурункали алкоғолизмдан тиббий йўсундаги даволаш чораси қўллашни лозим тоғди.

Наримон ИЗМУЛЛАЕВ,

Тошкент вилоят прокурорининг

катта ёрдамчиси

Одина ЭРҲАШЕВА,

журналист

СУДА ҚАСДИ
БЎЛСА КЕРАК?

АҚШ ҳуқуқи муҳофаза қилувчи органлари Мэнсфилд шаҳрининг маъмурий идоралари жойлашган бинони ёқиб юборганлигида гумон қилинаётган Осаёи штаммиди яшовчи Кевин Дайни қидирмоқда. Жиноятчи душанба кuni бинога келиб, ойналаридан бирига халқ орасида "Молотов коктейли" деб ном олган қўзғалоқ ёнғичи моласини уқлатган.

Терговчиларнинг таънига кўра, бинонинг Мэнсфилд шаҳрининг муниципал суди жойлашган иккинчи қаватида кўпроқ зарар етган. АҚШнинг алкохол, тамаки, ўқ-отар қурол ва портловчи моддаларнинг айланиши бўйича назорат Бюроси мутахассисларнинг фикрича, 40 ёшли Дай каминда битта суяк бомба ишлатган.

Кевин Дай қасдан ёқиб юбориш ва қонунга хилоф равишда хавфли пиротехник моласини тайёрлашда айбланмоқда. Ёнгин патижасида бинода бўлган одамларга жиддий зиён етмаган. Бироқ, молдй зарар қилиб юз минг доллардан ошиб кетиши мумкин экан, дея хабар қилади "Associated Press" ахборот агентлиги.

САЙЛОВ ТИЗИМИДАГИ
"НОСОЗЛИК"

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Германия федератив республикаси раҳбариятига мурожаат этиб, сайлов қонунчилигига зарурий ўзгаришларни киритиб, уни янада демократлаштиришга чақирди. 2009 йил бундестада бўлиб ўтган сайловларда яхш бoр иштирок этган ЕХХТ қўлатувчилари ҳеч қандай қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашмаган бўлса-да, айрим қасбий ҳолатларга эътибор қаратишган.

Уларни асосан партияларнинг сайловларда иштирок этишга рухсат берилишини тартибга солувчи қонун низомлари қизиқтириб қолган. Маълум бўлишича, бу тўғрисида қарор бундестаг таркибидеа бўлган партиялар аъзоларидан иборат федерал сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган экан.

ЕХХТ қўлатувчиларининг қайд этишича, бу билан манфаатлар низоси юзага келиши мумкин. 2009 йилдаги сайловларда немис пенсионерларнинг "Кулранглар", ХСС консерватив партиясининг собиқ аъзоси Габриэла Паулиннинг ва бошқа бир қатор сиёсий партияларнинг иштирок этишига рухсат этилмаган.

Парламент раиси Норберт Ламмерт бундестагнинг янги қақирқх биринчи йиғилишидаёқ бу камчиликка эътибор қаратиб, партияларга сайловларда иштирок этишга рухсат берилиши жараёни ҳеч бир шубҳага асос бўлмаслиги лозимлигини таъкидлади.

Аввалроқ, ГФРдаги "ортиқча овозлар" тизими ҳам кескин танқидга учраган эди. Бу тизимдан биринчи навбатда парламентга ўзларининг қўшимча аъзоларини олиб қираётган йирик партиялар вакиллари ютиб чиқали, деб хабар қилади "Welt" ахборот агентлиги.

ИККИ УЙИ ИККИ МИЛЛИОН

15 декабрь кuni Украина Бош прокурори Александр Медведько ўринбосари Александр Шинальскийнинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасига имзо чеккан. "УНИАН" ахборот агентлигининг хабар беришича, ходим ўз хоҳишига кўра ишдан бўшатилган.

Шундай бўлсада, Шинальский прокуратура академиясининг кафедраларидан бирининг мудирй, шунингдек, Украина прокурорлари ассоциацияси президенти лавозимларида қолган. Шинальскийнинг Баден-Баденда, турмуш ўртоғининг эса Ниццдада уйлари борлиги ҳақида матбуотда хабар тарқалган. У истеъфога чиқиш учун ариза ёзган.

Оммавий ахборот воситаларига ушбу кўчмас мулк ҳақида-

ҚЎРҚИТИШНИНГ ЯНГИЧА УСУЛИ

Аргентина президенти Кристина Фернандес де Киршнерни қўрқитиш ниътидаги қимсалар унинг вертолётни учувчилари диспетчер билан боғланадиган радиоканалдан фойдаландилар.

Ушбу ҳолиса 11 декабрь кuni юз берган бўлса-да, хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, маълумот бир неча кун ўтгач, ошкор этилди. Киршнер хоним вертолётда учиб кетаётган пайтда учувчилар хизмат радиочастотаси орқали президент номига айтилган ҳақоратли сўзларни эшитишган. "Уни ўлдиринглар, ўлдиринглар" деган сўзлардан сўнг, радиоэфирда мамлакатда 1976 йилдан 1983 йилгача ҳўкмронлик қилган ҳарбий диктатура вақтидаги марш мусиқаси янграй бошлаган. Ҳукумат вакилининг таъкидлашича, ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ва суриштирув ишлари олиб бoрилмоқда.

Гумон қилинишича, бу ҳодисанинг ортнда диктатура тарафдорлари туришибди. Хизмат радиоканалига кириб олиш, генерал Видел ҳўкмронлиги пайтида қийноқлар, одам ўғирлаш, қотиллик ҳамда инсониятга қарши бошқа оғир жиноятларни содир этганлигида айбланаётган бир гуруҳ шахслар устидан бошланган суд жараёнининг биринчи кuni рўй берган.

Мазкур жиноят иши юзасидан 19 киши қора курсини эгаллаган. Уларнинг барчаси собиқ ҳарбий-денгиз билим юртидаги жиноятларга алоқадорликда айбланмоқда. Маълумки, диктатура йилларида билим юрти ёпилиб, бу жой сиёсий мабууслар учун қамоқхонага айлантирилган эди. Уша вақтда бу қамоқхонада беш мингга яқин киши "ўтирган" бўлиб, уларнинг ярми ўша ерда ўлдирилган.

"Associated Press" ахборот агентлигининг хабар беришича, айбланувчилар орасида "Оқ танли ўлим фаршшаси" лақабини олган ҳарбий денгиз кучларининг собиқ капитани Альфредо Астие ҳам бор. У 1977 йилда икки нафар француз роҳибасини ўғирлаб, кейинчалик уларни ўлдирганлигида айбланапти.

Диктатура ҳўкмронлиги даврида ҳарбийлардан иборат ҳукумат демократик фикрларни кескин қорал билан бўғиб ташлаган. Дисидентлар, қасаба уюшмалари етакчилари, зиёлилар ва ҳарбий тузум сўсёсатидан норози бўлган бошқа шахслар репрессияларга учраган.

ОШКОР ҚИЛИШ
ВАҚТИ КЕЛДИ

"Ведомости" газетасида ёзилишича, Россия марказий банки ошкоралик сўсёсати йўлида бир қатор ҳўжжатларни маълумлади. Уларга кўра, омонатларни қафолатлаш тизимига кирувчи Россия банклари раҳбарлари, ушбу банкларнинг барча эгаларини ошкор этишлар шарт. Ўз эгаси тўғрисидаги маълумотни банк, ё ўзининг шахсий сайтида ёки марказий банк сайтида жойлаштириши мумкин.

Агарда банкнинг бир қисмига жисмоний шахслар эгалик қилса, уларнинг исм-шарифи, турар жойи ва шунга ўхшаш бошқа маълумотлар тақдим этилиши лозим. Агар ақциялар қоридик шахсга расмийлаштирилган бўлса, у ҳолда унинг номланиши, жойлашуви ва эгалари тўғрисидаги барча маълумотлар тақдим этилиши шарт.

Сайтларда юқорида қайд этилган маълумотлар борлигини текшириш марказий банк томонидан янги йил байрамидан сўнг бошланган. Россияда омонатларни қафолатлаш тизимида, депозитлар билан ишловчи деярли барча банклар қиради. Ҳозирги кунда уларнинг сони 931 тага етган.



САЙЛОВЛАР НАТИЖАСИ ТАН ОЛИНМАДИ

Европа Иттифоқи 12 декабрь кuni Абхазияда бўлиб ўтган президентлик сайловларини қонуний деб тан олмади. "АФР" ахборот агентлигининг хабар қилишича, тегишли баёнотни ЕИЕа авзо давлатлар номидан Европа Иттифоқидаги расмлик қилувчи Швеция қаратган.

Баёнот матнида ёзилишича, ЕИ сайловлар қонуний асосда ўтказилмаган деб ҳисобламолда. Шунингдек, ҳўжжатда Европа Иттифоқи томонидан Грузиянинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитети принципларига асосланган ҳолда сўсёсат юритилиши ҳам қайд этилган.

Маълумки, Абхазияда ўтказилган президентлик сайловларида республиканинг амалдаги раҳбари Сергей Багапш қайтадан иккинчи мудлатга сайланган эди. Ҳозирда, Абхазияни мустакил давлат сифатида Россия, Никарагуа ва Венесуэла давлатлари тан олган, холос. Грузия раҳбарияти эса аввалгидек, Абхазияни Россия қўшнларини томонидан эгаллаб олинган грузин ҳудуди деб ҳисоблайди.

Европа Иттифоқи комиссиясининг 2008 йилдаги Россия-Грузия урушига бағишланган ҳисоботида, Абхазия ва Жанубий Осетияни Грузиядан ажраб чиқиши ноқонуний деб қайд этилган. Шунингдек, комиссия Россия томонидан уларнинг мустакиллиги тан олинганлигини ҳам ноқонуний деб топган.

ҲИБСГА ОЛИШ ҲАҚИДАГИ ОРДЕР

"The Guardian" ахборот агентлигининг хабар беришича, Буюкбритания суди Исроил собиқ ташқи ишлар вазири Ципи Ливнини ҳибсга олиш ҳақидаги ордерини қақариб олган. Маълумотларда айтилишича, ордер Ливни хоним Буюкбритания ҳудудидан чиқиб кетганлиги аниқланганидан сўнг ортга қақириб олинган.

Собиқ вазир Лондондаги режа-лаштирилган барча учрашуларини "Ал-Жазира" телеканали эфирда уни ҳибсга олиш ҳақида ордер берилганлиги тўғрисида ахборот тарқатилишидан бир кун олдин бекор қилган. Ливни бошчилик қиладиган "Кадима" партияси расмийларнинг баён қилишича, у Буюкбританияга режалаштирган сафарини бошқа сабабларга кўра қолдирган экан, лекин булар қандай сабаблар эканлиги ойдинлаштирилмаган.

"Ал-Жазира"да тарқатилган ахборотларга қараганда, Ливни хонимни ҳибсга олиш ҳақидаги ордер 2008 йилнинг охири, 2009 йил бошида Исроил томонидан Ҳазо секторида Исроил ҳамда Хамас жавобгардари олиб бoрилган "Қуйилган кўрғошин" деган хулосага келган.

ҳарбий операцияси давомида содир этилган ҳарбий жиноятларда айбланиш бўйича қақарилган.

Исроил бош вазири Беньямин Нетаняху ўз баёнотида, Исроилнинг аввалги раҳбарлари ўз шаҳарларини ҳимоя қилишга аскарларни сафарбар қилганлиги учун Гаагадаги Халқаро суд қора курсинга тушиб қолишига йўл қўймаслигини билдирди.

2009 йилнинг сентябрида БМТнинг Ҳазо секторидagi ҳарбий низоси тергов қилиш бўйича комиссияси шу йилнинг бошида рўй берган ҳарбий тўқнашуларда содир этилган ҳарбий жиноятлар учун Исроил ҳамда Хамас жавобгардари деган хулосага келган.

ЯНГИ ГУВОҲНОМАЛАР КЕЛАЖАК
ТАЛАБИ

Германияда 2010 йилнинг ноябридан бошлаб чет давлат паспортларидан кейин, фуқароларнинг биометрик маълумотлари жойлаштирилган шахсний тасдиқловчи электрон гувоҳномалар жорий этилади, деб хабар қилади "Spiegel" нашри.

Вазирлик раҳбари Томас де Мазьеранинг сўзларига қараганда, янги гувоҳномалар эскиларидан кичкиналикка қарамай, ўз ичига бир мунча кўпроқ маълумотларни қамраб олган. Киритилган маълумотлар ва фотосурат, параллел равишда унга жойлаштирилган махсус чипда ҳам сақланган.

Хоҳишга кўра, электрон форматда шунингдек, икки бармоқ излари ҳам сақланиши мумкин. Бироқ, гувоҳноманинг асосий ноёблиги шундаки, махсус чипдаги маълумотлар масофадан, яъни икки метр жойдан ҳам ўқилиши мумкин.

Шу билан бирга, янги гувоҳномалар интернетдаги онлайн-савдола со-

тиб олувчиларнинг шахсини тасдиқлашда ишлатилиши мумкин. Тегинли мослама мавжуд бўлган вақтда ушбу ҳўжжат кредит қарга рақами, пароль ёки пин-код ўрнини бoса олади. Бундан ташқари, хоҳланган одам гувоҳномада ўзининг электрон имзосини сақлаши мумкин бўлиб, унда шу йўл билан интернет орқали шартномалар ёки бошқа ҳўжжатларни тасдиқлаш имконияти пайдо бўлади.

Фуқаролар шахсларини тасдиқлаш учун гувоҳномадаги ўзлари хоҳлаган маълумотни интернетга юборишга ҳақлидирлар. Ўз миқозларидан бундай маълумотларни сўраб оладиган дўкон ва компаниялар эса шахсий ахборотни муҳофаза қилиш бўйича давлат текширувидан ўтишлари шарт.



ХОҲИШ БОР-У, ИМКОНИ ЙЎҚ

Литва "Евровидение 2010" конкурси ташкилотчилари номига маълумат йўқлиги сабабли мазкур тадбирда иштирок эта олма-лигини билдириб, расмий рад жавобини юборди. Литва радио ва телевидение директори Римайдис Палецкиснинг айтишича, конкурс қоидаларига кўра, миллий ташкилий қўмиталар ўзининг тадбирда иштирок этиш ёки етмаслиги тўғрисида хабар берадиган мuddатиинг сўнги кuni 14 декабрь қилиб белгиланган.

Литва ашула конкурсига делегация юбориш учун ҳомии топишга ҳаракат қилди. "Евровидение" мамлакатлар иштирокидан манфаатдор, аёбига, Литванинг расмий рад жавоби берганига қарамай, ҳали бу давлатда имконият йўқ эмас. Миллий қўмитада пул топиш учун бир ой мuddат бор. Чунки январь ойида конкурс иштирокчиларининг миллий танловини эълон қилиш лозим.

Шунингдек, Литва делегациясини Ослога юбориш ишида мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги ва туризм департаменти бу тадбирни мамлакат мустақиллигининг 20

йиллигини нишонлаш дастурига киритиб, ўз ҳиссасларини қўшишлари мумкин. Чунки мустақиллик байрамини нишонлашга катта маблағ ажратилади, дея маълум қилади Палецкис.

"Евровидение-2010" конкурси 2010 йилнинг май ойида Норвегия пойтахти Ослода бўлиб ўтади. Литвадан ташқари бу тадбирда иштирок этишдан Чехия ҳам бош тортган. Чехия ҳукуматининг таъкидлашича, мамлакат аҳолисининг бу конкурсга қизиқиши умуман йўқ экан, деб хабар қилади "Delfi" ахборот агентлиги.

СТРАСБУРГГА ҲАҚИҚАТ ИЗЛАБ...

Сешанба кuni Польша полицияси чиптасиз кетаётган 200 нафар Россия ва Грузия қочқорлари поездан мажбурий равишда тушириб қолдириб. Польшада қочқор қочқор мақоми берилишини кутаётган 200 нафар чиптасиз қочқор Дрезденда кетаётган поездада бўлишган. Ноқонуний йўловчиларнинг таъкидлашича, улар Польшада иммигрантларни сақлаш марказларидаги ёмон шaroитлар юзасидан инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига коллектив даъво аризаси киритиш учун Страсбургга кетаётган эканлар.

Ўз навбатида бошпангага номзод мақомига кўра, улар нафақат Польша, балки ўзлари сақланаётган ҳудудни тарк этишлари мумкин эмас. Темир йўл вакиллари улардан составни тарк этишларини сўрашган. Бироқ қочқорлар рад жавобини бериб, ёрдам сўралган баннерларни осиб қўйганлар. Темир йўл компанияси ҳамда полициячиларнинг кенгашидан сўнг состав Германия чегарасигача назорат остида кузатилишига қарор қилинган.

Чегара яқинлиги Эгжелец станциясида поезд ёрдамчи йўлга олиниб, полиция ва чегарачилар томонидан қурашб олинган. Поездни эгаллаб олганлар билан музокаралар натижа бермаганидан сўнг, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари қочқорларни поездан мажбурий тарзда туширишган.

Дастлабки маълумотларга кўра, Россия фуқароларидан поездада асосан Чеченистон ва ингушларидан бўлган. Улардан 60 нафари ёш болалардир, деб хабар қилади "Wladomosci" ахборот агентлиги.

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Самарқанд вилоят филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади

2010 йил 21 январь соат 12.00дан бошлаб бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидagi очиқ аукцион савдосига Самарқанд вилояти, Пастдаргом туманида жойлашган "Суваноат Махсус курилиш 11 МКК" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши кўйилади. Бошлангич баҳоси 22 806 175 сўм.

Аукцион савдоси ДМК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси биносининг 5-қават, 511-хонасида ўтказилади. Ушбу куни аукцион савдосида сотилмай қолган объектнинг такрорий савдоси 2010 йил 4, 18 февраль, 4 март кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Талабгорлар-

дан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин (соат 9.00да) тўхтатилади.

Талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолаб, объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Самарқанд вилоят филиалининг МФО 00264, ИНН 206761326, ДАТ "Асака банк" Самарқанд филиалидаги 20210000104537599010 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари шарт.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар куйи-

даги ҳужжатларни топиришлари шарт: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, унинг айтилиши тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: 140100, Самарқанд шаҳри, Бўстон сарой кўчаси 85 "А" уй, 2-қават, 203-хона. Тел/факс: (8366) 210-04-01, 230-14-51.

"Aktiv Broker" ДК биржа савдоларига таклиф этади

2010 йил 18 январда "Республика кўчаси мулк биржаси" АЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат қорхоналари, объектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати					
№	Мулкнинг номи	Баланс савдоқилмиши номи ва миқдори	Манзил	Давлат активининг қисқача тавсифи	Мулкнинг бошлангич нарxi (сўм)
1	"Ёш темир йўлчи" болалар соғломлаштириш ороғи	"Тошкент минтақавий темир йўл узли" Тошкент шаҳар, Туркистон кўчаси, 2-уй.	Житзах вилояти, Янгитўпол тумани, Хўжамаҳмуд Қўли қишлоғи.	Объект 1982 йилда ишга туширилган, жаблаб турган ер майдони 49694,06 кв.м., бино ва иншоотлар майдони 1938,64 кв.м. Ороғи, бинолари фундаменти гилт ва тошдан, деворлари гилт ва ёғочдан, том қисми ёғоч билан ёпилган. Устаси қисми шиферланган, бинонинг ички бўлимлари гилтдан, пол қисми ярми бетондан, ярми ёғочдан.	93 435 000
2010 йил 18 январда "Тошкент шаҳар Муниципал биржа маркази" МЧЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат қорхоналари, объектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати					
1	Собир Раҳимов тумани, Хамидовна кўчаси, 2-уй мажбурият жойлашган бино қисми	БФД, Тошкент ш.Миробол тумани, А.Темур шох кўчаси, 14-уй.	Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Хамидовна кўчаси, 2-уй.	Бино 1968 йилда ишга туширилган, жаблаб турган бино қисмининг умумий майдони 320,0 кв.м., фундаменти: бетондан, деворлари гилтдан, ер ўзлашма мажмуа.	168 657 800
2	Зангнота тумани Марказий шифхонасига қаршилик "Фельдшер-акушерлик бўлими" (Асосий шарт: Фаолият турини сақлаш)	Зангнота тумани Марказий шифхонасига	Тошкент вилояти, Зангнота тумани, Назарбек Қ.Ф.Й. Гитчиқар кўрғони	Бино 1965 йилда ишга туширилган, жаблаб турган бинонинг умумий майдони 81,9 кв.м., объект бир қаватли бўлиб, фундаменти темир бетондан, деворлари гилтдан, томи шиферланган.	10 663 207
3	4-сонли болалар боғчаси (Асосий шарт: Фаолият турини сақлаш)	Паркент тумани ҳалқ таълими бўлими	Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Қорқалпоқ" Қ.Ф.Й.	Бино 1950 йилда ишга туширилган, умумий ер майдони 0,14га, қурилиш майдони 0,05 га. Боғча 50 га боллага мўжадланган, бинони бир қаватли бўлиб, кўпгина мева дарахтлар ва арчалардан иборат.	49 531 135
4	10-сонли болалар боғчаси (Асосий шарт: Фаолият турини сақлаш)	Паркент тумани ҳалқ таълими бўлими	Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Бўстон" Қ.Ф.Й.	Бино 1988 йилда ишга туширилган, умумий ер майдони 0,58га, қурилиш майдони 0,18 га. Боғча 140 га боллага мўжадланган, бинони икки қаватли бўлиб, кўпгина мева дарахтлар ва арчалардан иборат.	141 990 579
5	Умумий майдони 318,8 кв.м.га тенг бўлган "Нотуғар жой" қисми	Чирчик шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти, Чирчик шаҳар, 4-микрорайон, 30-уй.	Бино 1973 йилда ишга туширилган, умумий майдони 318,8 кв.м. Объект 4-қаватли уйнинг 1-қаватда жойлашган бўлиб, фундаменти бетон, деворлари пинак гилтдан, поллари ёғочдан, томи рубероидан.	34 100 000
6	"Шарк" МЧЖнинг иқтисодий соҳа объекти, умумий майдони 905,94 кв.м.га тенг бўлган "Омборхона биноси"	"Шарк" масъулияти чекланган жамияти	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўстлик кўрғони	Омборхона биноси 1-қаватли бўлиб, 1969 йилда ишга туширилган, умумий майдони 905,94 кв.м. Бино фундаменти бетон, деворлари гилтдан, поллари бетондан, томи шиферланган.	33 930 000
7	"Шарқий Қурама" ОАЖнинг иқтисодий соҳа объекти бўлган "Машинат уйи" бино ва иншоотлари	"Шарқий Қурама" ОАЖ	Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Гоголар кўрғони	Бино 1983 йилда ишга туширилган, умумий майдони 4728,25 кв.м. Машинат уйи комплексига музей, кутубхона-конференция зал, спортзаллари кирди. Бино фундаменти темир бетон, деворлари темир бетондан, поллари ярми бетон, ярми ёғочдан ва линолеумдан, томи рубероидан.	445 675 000

Қўшимча маълумотлар ва саволлар учун "Aktiv Broker" ДК мурожаат қилишнинг мумкин. Тел.: 233-27-19, 233-38-69, Email: aktiv_broker@mail.ru, www.gki.uz, gkiorg.uz Манзил: Тошкент шаҳри, Бўстон кўчаси, 10-уй; ДМК Житзах вилояти ҳудудий бошқармаси тел.8(372)226-27-86, 226-25-84, 226-08-31; ДМК Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тел.233-35-08; ДМК Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси тел.259-21-18.

Барқарор иқтисодий шакллантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омил сифатида республикамизда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу асосда мамлакатда эркин тадбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислохотлар босқичма-босқич изчил давом этмоқда.

Шу ҳусусда вилоят адлия бошқармаси томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рўйхатдан ўтказувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши бўйича зарурий чоралар кўрилмоқда.

ТАДБИРКОР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Жорий йилнинг 9 ойи давомида Наманган вилоят адлия бошқармаси 117 та идора ва ташиқлотларда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижро этилишини ўрганиб, 1000 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолатларини аниқлади. Қонунбузилишларни бартараф этиш ва уларга келгусида йўл қўймаслик, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини таъминлаш мақсадида киритилган 103 та тақдимномага асосан 148 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 3 нафар мансабдор шахс эғаллаб турган лавозимидан озод этилди. Тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ундирилган 3019,1 минг сўмлик маблағ қайтарилди. Уларнинг манфаатини кўзлаб сулларга 646185,8 минг сўмлик 72 та даъво ариза киритилиб, 420651,8 минг сўмлик 67 та даъво ариза қаноатлантирилди.

Тадбиркорларга етказилган 1435,5 минг сўмлик моддий зарар суд тартибда ундириб берилди. Шунингдек, асосий эътибор тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқини поймол этган мансабдор шахсларни суд орқали жавобгарликка тортиш масаласига қаратилиб, ҳуқуқбузарлар тегишли

жавобгарликка тортилмоқда. Масалан, ОАТБ "Агробанк" Наманган вилоят бошқармасининг банк жараёнилари бўлимида ўтказилган ўрганишда банк ходими томонидан тадбиркорлик субъектларининг мурожаатини кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари бузилганлиги аниқланиб, унга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилди. Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2009 йил 15 июндаги қарорига кўра ҳуқуқбузар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида бошқармада ташкил этилган "Ишонч телефони" орқали уларнинг фаолиятида юзга келган тушунмовчилик ва амалдаги қонунчилик юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар бериб келинмоқда ва шу билан бирга уларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таъминланмоқда. Хусусан, "Ишонч телефони"га мурожаат этган 43 та тадбиркорга амалдаги қонунчилик бўйича

батафсил ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Шунингдек, бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан мурожаат қилган 22 та тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқи тикланди.

Жумладан, Косонсой туманидаги "Миркомиллатотехизмат" масъулияти чекланган жамиятининг ДАТ "Халқ банки" тумани филиалидан норози бўлиб қилган мурожаатини ўрганишда жамият томонидан банк филиалига 2009 йил 9 июнда ходимлар иш ҳақи учун 775 минг сўм пул маблағини олиш мақсадида 0650581-сонли чек тақдим этилганлиги, бироқ жамият депозит ҳисоб рақамидан ушбу пул ҳолатига 1570,6 минг сўм пул маблағи бўлишига қарамай, банк томонидан нақд пул берилмаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича банк филиали касса бўлими мудирига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилди ҳамда суд қарорига кўра банк ходимига нисбатан 196280 сўм маъмурий жарима белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009

йил 15 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини янада кўзлаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1112-сонли Қарори талабидан келиб чиқиб, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ўтказилган ўрганишларда 28 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланди. Шундан 8 та юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказишда ортиқча ундирилган 210300 сўм

бож ҳақи ҳамда банкларда ҳисоб рақам очинишда 20 та тадбиркордан ортиқча олинган 259978 сўм тўловлар суд тартибда ва киритилган тақдимномаларга асосан эгаларига қайтарилди.

Жумладан, давлат рўйхатидан ўтказишда Уйчи, Наманган ва Косонсой туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан "Садарайхон сервис", "Зулайхо Зилола Файз", "Қамол санат савдо" ва "Тулафзо Лобар" хусусий қорхоналари, "Адашлатив Жалолдин Файз" ҳамда "Олтин жўза баракаси" фермер ҳўжаликларининг ҳар биридан 28040 сўмдан ортиқча давлат бож, шунингдек, "Ўзсанотқурилишбанк" Наманган вилоят минтақавий филиали томонидан ҳисоб рақам очинишда "Fine Travel Servis" масъулияти чекланган жамиятидан 14020 сўм, "Қафолат плюс келажак" хусусий қорхонасидан 25236 сўм ортиқча тўловлар ундирилди. Адлия бошқармаси томонидан кўрилган тегишли чоралар натижасида ушбу маблағлар белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига қайтарилди.

Тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини

ҳимоя қилиш билан бирга қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида жойларда тадбиркорлик субъектлари, ҳокимлик ва назорат идораларини жалб этган ҳолда кенг қўламли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ҳам ўтказиб келинмоқда. Жумладан, шу мазмунда 97 марта ба ҳуқуқий тарғибот ўтказилди. Шундан, 28 таси оммавий ах-

борот воситалари, 64 таси давра суҳбати ва семинарлар орқали ва 5 таси кўргазмалар тарзда ўтказилган тадбирлардир. Ушбу тадбирлар натижасида, тадбиркорлик субъектлари ва назорат идораларининг ўзаро фаолиятида юзга келаётган муаммоларни бартараф этишга доир, қолаверса, тадбиркорлик фаолиятида оид янги қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятини тушунтириб бориш жараёни фаол давом этмоқда. Тадбирларда бошқарма томонидан тайёрланган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами тарқатилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг йўлга қўйилганлиги уларнинг эркин фаолият кўрсатиши ва мақсадлари рўёба қиқишини кафолатлайди. Халқимиз турмуш фаровонлиги ҳамда иқтисодий таъминоти ривожига улкан ҳисса қўшиб беришларида адлия идоралари уларни мунтазам равишда ҳуқуқий жиҳатдан кўзлаб-қувватлаб боради.

Шерали МАХМУДОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

Аваллари барвақт туриб, университетга шошадиган талаба дўстим кейинги вақтда эрталаб хонада қилиб кетадиган одат чиқарди. Аввалига эътибор бермадим. "Ҳа энди, биринчи параси бўлмаса керак-да...", деб ўйладим. Аслида у меъёридан ортиқ сабабсиз дарс қолдириш бос, талабаларнинг "қора рўйхати"га тушиб қолибди.

Кечки пайт хонада дарсларим билан машғул бўлиб ўтиришимда бечора хонадошимнинг боши қотиб, нимадандир безовталанаётганини сезиб қолдим. Сабабини сўрасам, у университет раҳбариятидан эмас, алақандай ҳайдовчидан порози бўлганча гапира бошлади. Ёлсам, хонадошим айнан автобусларнинг бизнинг ётоқхона ёнидаги бекатда тўхтамай ўтиб кетаётгани туфайли дарс қолдириб, шу ҳолга тушган экан. Албатта, бунинг учун унинг ўзи айбдорлигини уқтиришга уриндим. Аксарият талабалар ортиқча дарс қолдирмаслик имконини қилсаю, сен арзимаган шу сабаб билан мураккаб аҳволга тушиб ўтирибсанми, дедим, ўзинг айбдорсан, дедим. У эса, фақат ўзигина айбдор эмаслигини таъкидлаб, дарсларга гоҳи тақсидга, гоҳи "маршрутка"да (йўналишли такси-кичик автобусларнинг аксариятида ойлик йўл чипталари ўтмайди!) боравериш, "тушлик"ни йўл ҳақида "алмашиш"дан безор бўлганини билдирди...

Ҳа, бу манзара кўпчиликка нотаниш эмас ва гапиралган бўлсак, гап кўп. Ҳар қандай муаммонинг келиб чиқиши сабаби ва албатта ечими ҳам бўлади. Шу арзимаган кичик бир вазият теграсида фикр юритсангиз, сизни ҳам қувонтирадиган, ҳам ачинтирадиган манзаралар кўз ўнгингизда гавдаланиши шубҳасиз.

Кувонарлиси шундаки, юртимизда истиқбол йилларида барча соҳаларда олиб борилаётган янгиланишлар, ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг, оилаларнинг ҳаётида ўз инфоасини топмоқда. Давлат томонидан яратилаётган шароит ва имкониятлар миллий, ирқий, жинсий ёки ижтимоий мансублигимиздан қатъи назар, барчага баробар амал қилиши жамиятимизда соғлом ижтимоий кайфиятнинг барқарорлигини кафолатлаётган омиллардан десак, муволаба бўлмайди. Ҳар бир жараёнда ва вазиятда ижтимоий ҳимоя масаласининг устуворлик касб этилишига тўғриси, урганиш ҳам кетганми. Аслида, ўзаро хайрихоҳлик, оқибат ва мурувват каби туйғулар қонимизда бор.

Аммо кишини баъзан безовта қиладиган томони шундаки, жамият ҳаётида кечаётган кўплай ижобий ўзгаришларни, яратилаётган шароит ва имкониятларни муносиб баҳолаш, қадрлаш ва эътироф этиш, энг муҳими, аҳамиятини чуқур англаш масаласига доим ҳам етарлича эътибор қаратмавермаймиз.

Мақола аввалида сўз очганимиз - аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш масаласи ҳам бундан мустасно эмас. Мазкур воқеалик сабаб бўлди-ю, "Тошхадартрансхизмат" тасарруфидоғи автобус ва трамвайларнинг

бўлиш, муаммоларини бартараф этишда қўмаклашиш барчаннинг вазифасига айланиб кетди. Аммо баъзан оддий маиший кўнгилсизликларни кўриб, бевосита гувоҳчи бўлиб, юқоридаги шунча саяй-ҳаракатлар моҳиятини

налари ўқув биноларидан анча олисда (яёв юриб келиш кўп вақтни олади) жойлашган, талабаларнинг албатта бирор жамоат транспортдан фойдаланишига тўғри келади. Хайриятки, аҳолининг аксарият қатламлари ҳар томонлама ижтимоий ҳимояга олинган. Жумладан, ўқувчи ёшлар ва талабалар ҳам. Улар учун шаҳар аҳоли транспорт хизматида фойдаланиш учун қулай ва арзон ойлик йўл чипталари жорий этилган.

Ойлик йўл чиптасига эга йўловчилар айрим автобус ҳайдовчилари ҳамда чиптачиларга ёқавермайди. Бу уларнинг муомаласидан, йўналишдаги мўайян бекатларга "муносабати"дан ҳам маълум. Улар "йўловчи - пул" дея қарашга олатлангани боис, йўловчилар кайфияти билан мутлақо ҳисоблашмайди. Талабалар ёки мактаб ўқувчилари тўплаган бекатларни "интиқ" қилиб кетаверди. Сабабини сўраштирамангиз: "Ахир, бизда ҳам план бор, бажармасак ҳамёнимиз-

тобус йўналишида кичик сигимли микроулов бириктирилгани етмагандек, қатнов оралқик интервали узоқлиғи боис муаммо янада жиддийлашади, ҳаддан зиёд кечикиб юриши натижасида баъзан талабалар, ўқувчилар уни кўришгагина муваффақ бўлади, холос. Мана шундай йўналишларда алоҳида мониторинг ўтказиб, эрталабки ва кечки вақтда кўпроқ йўловчи сиздир оладиган "Мерседес-Бенц" автобусларини ҳам жалб этиш, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундай мисолларни 20, 34, 35, 13, 72, 95, 97-автобус йўналишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар унча-мунча бекатларни тасанд қилмайди. То автобус салонида йўловчи овозини баландлаштириб, тўхташ жойини эслатмағунича тормозни босолмайдиган ҳайдовчилар баъзан эшикларини ҳам ёпишни унутиб қўяди.

Мана шундай номқабул ҳолатларни йўл-ўйлақай кўравериб, охири-оқибат бунга кўнглиб қолиш

ҳам яхши эмас-да. Шаҳар транспортларига чиққан одам истамаса ҳам бирор нохуш вазият гувоҳи бўлаверса, кайфияти эрталабланоқ бузилиб, кунлик ишида самардорликка салбий таъсир этиши мумкин. Кайфият эса, юқумли бўлади. Ноҳақликни, маиший бузғунчиликни кўрганда, панд-насиҳат қиладиган, дангал гапириб уялтирадиган зиёлиларимиз, нурунийларимиз бор бўлсин ишқилиб.

Давлатимиз томонидан аҳолининг оғирини енгил қилиш учун яратилган шароитлар, янги ва замонавий автобусларни айрим ҳайдовчи ва чиптачилар "шахсий мулк" сифатида қабул қилмасликлар, улар зиммасида тушумларни ўз вақтида таъминлашдан ташқари, аҳолига маданият ва талаб даражасида хизмат кўрсатишдек устувор вазифалар ҳам борлигини унутмасалар яхши бўларди...

Мен эса, талаба дўстим уч кун ичида ўз муаммосини хал қилмасе, уч йиллик "ибодати" йўққа чиқшини ўйлаб эзиламан. Эҳ, эсизгина...

Зоҳиджон ХОЛОВ,
журналист



ОЙЛИК ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ қулайликми ёки...

ни, улардаги ҳайдовчи ва чиптачиларнинг йўловчиларга, хусусан, ёшларга, қолаверса, ўз ишларига бўлган муносабатини қузата бошладим.

Юртининг келажаги - ёшлар қўлида, деймиз. Муҳтарам Юртовшимиз ҳам доимо ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг билим олишлари ва меҳнат қилишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш масаласига жиддий эътибор қаратади. Ёшларнинг чиндан ҳам миллатнинг эртанги кунини белгилловчи асосий куч эканини таъкидлаб, бу йўлдаги ҳар қандай сарф-ҳаражатларни келажакка сармоя деб ҳисоблайдилар. Шу боис, ёшларга эътиборли

англамаётган, ўзининг чимдим нафсию, хоҳиш истакларини жололай олмаётган кимсалар олдин чиқиб, дилимиз алланечук бўлади.

Тошкент асим азалдан Марказий Осиёнинг чорраҳаси, Шарқу Фарб маданиятлари кесилган маънавий ўчоғи бўлган. Бунки қарангки, бугунги кунда бу нуфуз янада ортиб бормоқда. Республикаимизнинг энг яхши олий ўқув юрталари, касб-хунар коллежларию академик лицейлари айнан пойтахтда жойлашган. Шу боисдан бўлса керак, барча вилоятлардан ва ҳатто узоқ давлатлардан ҳам ёшлар илм олиш истагиди Тошкентга келади...


Биласизки, қўллаб универститлар ва институтларнинг ётоқхо-

дан тўлаймиз" дея гапланади. Наҳотки улар ойлик йўл чиптаси хизмат учун олдиндан тўлов эканини англамасалар...

Тошкент шаҳрини деярли икки мартабга айланиб чиқувчи 98-йўналишда қатновчи автобусни кўпчилик талабалар яхши билади. "98"нинг деярли барча ҳайдовчи ва чиптачилари ҳам қайси бекатда, қачон, қанча талаба автобусга чиқшини яхши билади. Бундай узундан-узон йўналишга бор-йўғи 34 йўловчиға мўлжалланган "Ису-31" микроавтобусларнинг қўйилиши мутлақо тушунарсиз ҳолат. Ваҳоланки, бундай ихчам транспорт билан таъминланган узоқ маршрутларни бошқа манзилларда ҳам учратиш мумкин... Бироқ, 98-ав-

дан тўлаймиз" дея гапланади.

МУҲИМ МАНБА



ҳуқуқий давлат барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ана шу жараёнда фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлаш олдимида турган вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу нуқтан назардан қараганда, яқинда ёш олима, ЎЗМУ ҳуқуқшунослик факультети кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди Ақида Дадашевнинг (масъул муҳаррир юридик фанлари доктори, профессор Х.Б.Бобоев) "Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши ва ривожланиши" деб ном-

ланган монографияси нашр этилиши муҳим воқеа бўлди.

Монографияда муаллиф томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши назарияси, уларнинг тугган ўрни ва аҳамияти тушунарли, равои тилда баён этилиб, таҳлил қилинган масалалар бир-бири билан узвий боғланганлиги билан характерланади.

Мазкур китоб кенг китобхоналар, талаба, давлат бошқарувининг барча бўғинида фаолан олиб борувчи, маҳаллий ҳокимият органларида ишловчи ходимлар учун мўлжалланган бўлиб, ҳар бир масалани ёритишда комплекс тарзда ёндашилганлиги, янги-янги гоёлар, фикр-мулоҳазалар ҳамда тақдирлар илгари сурилганлиги билан қимматлидир.

Монография кириш, 3 та боб, ҳулоса ва иловалардан ташкил топган. Унда кўтарилган масалаларни муаллиф ҳар томонлама таҳлил қилиб берган. Унда кўпгина янги фикрларни изҳор этиш баробарида, мазкур масала билан боғлиқ бўлган бирон-бир манба тадқиқотчининг назаридан четда қолмаганлиги монографиянинг қимматини, салмоғини янада оширган.

Монографияда билдирилган фикр-мулоҳазалар қонун чиқарувчи вакиллик органларимиз томонидан атрофлича таҳлил қилиниши жамиятимизга фақат фойда келтиради деб ўйлаймиз.

Мудастир САЙИДАЗИМОВ,
ЎЗМУ Ҳуқуқшунослик факультети "Давлат ва ҳуқуқ асослари" кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Huquq» газетаси тахририяти жамоаси Бош муҳаррир ўринбосари Бахтиёр Назаровга укаси

Баҳодир НАЗАРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда Навоий вилояти прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

Сайдулла НАМОЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Наманган вилояти прокуратураси жамоаси вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори

Раҳимжон УМАРОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusufboy G'OIPOV,
Bahridin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'yozma va
suratlar egalarga qaytarilmaydi. Mu-
alliflarning fikrlari tahririyat fikridan
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan
ko'chirib bosilgan «HUQUQ»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat
ahamiyatiga molik materiallar **
belgisi ostida chop etiladi.

Nashr ko'rsatkichi - 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-8634. 16 890 nusxada boshildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi dizayner: S.BOBONOV
Navbatchi muharrir: Y.PARDA
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

**Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chigadi.**
**Sotuvda
kelishilgan narxda**